



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

• 2002 йил 14 сентябрь, шанба • №74 (11.462)

• Эркин нарҳда сотилади



## «ЗАМОНАМИЗ АЁЛЛАРИ»

Ўзбек Миллий академик драма театрида ана шу мавзуда вилоятимиз хотин-қизларининг тадбири бўлиб ўтди.

Мустақиллик йилларида оналик ва болаликни муҳофаза қилишга эътибор ниҳоятда кучайди. Фарзанд кўриш ёшидаги аёлларни соғломлаштириш, шу мақсадда идораларaro дастур яратиб, ихроия ва қонунчилик идоралари, жамо-

ат ташкилотлари билан соғлиқни сақлаш муассасаларининг яқин ҳамкорлигини кучайтириш, оила сиёсатини изчил юритиш, аёллар, бола-лар ва ўсмирлар учун зарур ижтимоий, маиший ва меҳнат

(Давоми 2-бетда).



## РЕЖАНИ ПУХТА ОЛГАН ДОҒДА ҚОЛМАЙДИ

Янгийўл туманидаги «Қовунчи» ширкат хўжалигида 2003 йил ҳосили учун кузги бошоқли донни қулай муддатларда ва сифатли экиб олиш юзасидан кўрғазмали

Кўрғазмали машғулотда барча туман ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари, вилоят ҳамда туман кишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари бошлиқларининг ўринбосарлари ва мутахассислари, вилоят МТПлари бирлашма-

машғулот ҳамда 2002 йил пахта ҳосилини уюшқоқлик билан қисқа муддатларда йиғиб-териб олиш масаласига бағишланган машғулот кенгаши бўлиб ўтди.

си раиси ҳамда мутахассислари, туман МТПлари директорлари, туман «Кишлоқхўжалиқимё» ҳиссадорлик жамиятлари раислари, туман деҳқон фермер хўжалиқлари уюшмаси раис-

(Давоми 3-бетда).

Тараддуд

## GERMANYA ҲУКУМАТИНИНГ БЕҒАРАЗ ЁРДАМИ

Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари тобора кенгайиб бормоқда. Бу жараён ижтимоий-иқтисодий жабҳада, хусусан, соғлиқни сақлаш соҳасида яққол кўзга ташланади. Тошкент вилояти сил касаллигига қарши диспансерида бўлиб ўтган тадбир ҳам бу фикрнинг ёрқин далили бўлди.

Тадбирни вилоят ҳокими Умнат Мирзақулов очди.

Германия ҳукуматининг беғараз ёрдамини топширишга бағишланган ушбу маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазири Феруз Назиров Германия Федератив Республикаси юртимиз аҳолиси саломатлигини муҳофаза қилиш, хусусан, «Сил касаллигига қарши кураш» ва «Аёллар репродуктив саломатлигини яхшилаш» амалий дастурларини ҳаётга тадбиқ қилишда жиддий кўмак бериб келаётганини таъкидлади. Шу мақсадларда Германия ҳукумати жами 15 миллион евролик грантлар ажратган. Мазкур давлат кўмагида биргина «Сил касаллигига қарши кураш» дастури бўйича учта лойиҳа амалга ошириляпти.



Германиянинг мамлакатимиздаги Фавкулда ва мухтор элчиси Мартин Хеккер ўз ҳукумати номидан сил касаллигини даволаш ва унинг олдини олишда қўл келадиган 2,5 миллион евролик ноёб дори-дармонлар, энг замонавий тиббий ускуналар, иккита «Дамас» автомобиллини мазкур диспансерга топширди.

Таъкидлаш жоизки, бу Германия томонидан ажратилаётган ил

ёрдам эмас. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг сил касаллигига қарши курашиш бўйича DOTS дастури доирасида амалга ошириляётган бу хайрли иш 1999 йилда бошланган эди. Шу пайтгача мамлакатимизнинг турли минтақаларига 7,5 миллион евролик ташхис мосламалари ҳамда лаборатория жиҳозлари етказиб берилди.

Ўз мухбиримиз.

Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамасининг  
ҚАРОРИ

Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахсларни Қуролли Кучлар сафларидан заҳирага бўшатиш ҳамда фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида

"Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида" ва "Муқобил хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахслар Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари сафларидан заҳирага бўшатилин.

2. 1975-1984 йилларда туғилган, қақриқ муддатини узайтириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 2002 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга қақрилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан биргаликда Қуролли Кучларни

чақирилувчилар билан сифатли бутлаш мақсадида жойлардаги қақриш комиссияларининг ҳар томонлама таъминлишини ва самарали ишлашини ташкил этсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Ф. Ф. Назиров) Мудофаа вазирлиги (Қ.Ф. Фуломов) билан биргаликда қақриш участкаларини зарур тиббиёт асбоб-анжомлари ва буюмлари билан таъминласин, қақирилувчиларнинг лаборатория текширувлари сифатли ўтказилишини ҳамда уларнинг турли ихтисосликдаги юқори малакали врачлар томонидан ҳар томонлама тиббий текшириб кўрилишини ташкил этсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2002 йил 13 сентябрь.

Тошкент вилояти ҳокимининг  
ҚАРОРИ

Иккинчи қақриқ Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг XIII сессиясини қақриш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунининг 17-моддасига биноан қарор қиламан:

Иккинчи қақриқ Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг XIII сессияси 2002 йил 18 сентябрь куни соат 10.00 да Тошкент шаҳрида қақрилсин.

Вилоят ҳокими

У. МИРЗАҚУЛОВ.

Тошкент шаҳри, 2002 йил 12 сентябрь.

## «МИЛЛИЙ ҒОЯ — БИЗНИНГ ҒОЯ»

Кеча Ўртачирчиқ туманидаги Охунбобоев номи ширкат хўжалигининг маданият саройида республика Байналмилал маданият маркази, «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган «Миллий ғоя — бизнинг ғоя» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Уни вилоят ҳокимининг ўринбосари Абдукарим Раҳимбердиев бошқарди.

Ўз тарихига, ўз йўлига ва истиқлолига эга бўлган ўтган ўн бир йил ичида юз бераётган оламшумул ўзгаришлар, бугун у қандай миллат вакили бўлишдан қатъий назар ҳар бир ватандошимизнинг тақди-

рида ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

Конференцияда сўзга чиққан республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари Аслиддин Болиев, Байналмилал маданият маркази раҳба-

ри Карим Расулов, Ангрен шаҳар «Ўзбекрезинотехника» корхонаси раҳбари Александр Козлов, Ўртачирчиқ тумани байналмилал маркази раиси, тўқсон ёшли Ашир ота Қусаев ва бошқалар халқимизнинг мустақиллик йилларидаги дадил одимлари, бунёдкорлик ишларини, жамият маънавияти янада юксалаётганлигини, юртимиздаги барқарорлик, миллатлараро тотувлик бор экан, истиқлолимиз абадулабад барқарор бўлишини таъкидлаб ўтдилар.

Шавкат ҚУЛИБОВ,  
«Тошкент ҳақиқати»  
мухбири.

# «ЗАМОНАМИЗ АЁЛЛАРИ»

шароитларини яратиш ва яхшилаш — бу борада амалга оширилаётган ишларнинг асосий йўналишларидир.

Бугунги кунда вилоятимиз халқ хўжалигининг турли соҳаларида неча ўн минглаб хотин-қизлар меҳнат қилишаётир. Фақат қишлоқ хўжалигининг ўзида 56 минг аёл пахта, ғалла, пилла ҳосилдорлиги, чорва маҳсулдорлигини оширишга муносиб ҳиссасини қўшаётир. Кексаларни қадрлаш йилида мамлакатимиз мустақилли-

(Давоми. Боши 1-бетда).

нинг 11 йиллигига бағишлаб, Ўзбек миллий академик драма театрида вилоятимиз аёлларининг учрашуви бўлиб ўтди.

«Замонамиз аёллари» мавзусидаги бу тадбирга илғорларнинг илғори — беш юз хотин-қиз тўпланди. Улар орасида кўп болали оналар, корхоналарнинг раҳбарлари, дала меҳнатчилари, олимлар, ўқитувчилар, шифокорлар ва тадбиркорлар бор эди. Уларнинг ҳар бири эъзозга, эҳтиромга лойиқ. Чунинчи, учрашувда илғор пахтакор Иноятой Холиқова, сабзавоткор Мария Ива-

нова, ғаллакор Омина Йўлдошева, фермер Жамила Маматкулова, чўпон Фотима Буралхиева, пиллакор Фотима Йўлдошева, боғбон Инобат Урмонова, «Монтаж» хусусий қурилиш ташкилотининг раҳбари Ирина Савицкая, тадбиркор Раёна Бобоева, ўқитувчи Хайитгул Бегматова, коллеж директори Матлуба Холиқова, терапевт Тамара Тен, педиатр Светлана Бегмановаларнинг номлари такрор-такрор тилга олинди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитасининг раиси Дилбар Фулова, халқаро «Экосан» жамғармаси раиси Юсуф Шодиметов ва бошқа нотиклар аёлларнинг жамиятдаги ўрни, оила манфатларини таъминлаш, баркамол ёшлар тарбияси масалаларига эътиборни қаратишди.

Учрашув иштирокчиларининг катта гуруҳига қимматбаҳо совғалар топширилди. Санъат усталари эса уларни ўз куй-қўшиқлари билан хушнуд этишди.

Жўрабек МУРОДОВ.



## Фойдали мулоқот

Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати ходимларининг Тошкент вилоят қўмитаси бошланғич ташкилотлар етакчиларининг икки кунлик ўқувини ўтказди.

Ҳозирги жамиятда касаба уюшмаларининг ўрни ва роли, кон-металлургия ва машинасозлик корхоналарида меҳнат муҳофазаси ва меҳнат қонунарига риоя этилишини таъминлаш, маданий-маърифий ва спорт-соғломлаштириш ишларида касаба ташкилотларининг иштирокини кучайтириш масалалари теварагида қизгин фикрлашувлар бўлиб ўтди. Тармоқ касаба уюшмасининг таркибини ислоҳ қилиш муаммолари ҳусусида давра суҳбати ўтказилди.

Ю.ЖУМАНИЁЗОВ.

## Ўқувчилар машғулотга киришди

Республика ўқувчилар саройида 12 сентябрь кунини янги 2002-2003 ўқув йилининг очилишига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Унда ўқитувчилар, мураббийлар, ушбу саройда сабоқ олган собиқ ўқувчилар иштирок этди.

Айни вақтда саройда болаларнинг техника, санъат, халқ амалий санъати ва расомлик соҳасидаги билим ва қизиқишларини оширишга катта эътибор берилди. Ҳозир беш минг нафарга яқин ўғил-қиз 200 дан зиёд турли тўғарақнинг аззоси ҳисобланади. Саройда ташкил этилган «Юлдуз», «Чаман», «Бойчечак» каби болалар бадиий ансамбллари эса нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам яхши маълум.

ЎЗА.

## ВАТАН ХИЗМАТИ — МУҚАДДАС БУРЧ

Ёшлар орзу-умидимиз, келажакимиз. Уларни ёт юзлар таъсиридан сақлаб, халқ ва Ватан хизматига тайёрлаш, баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш — бизнинг бурчимиз.

Шу сабабли диний ақида-парастлик, халқаро террорчилик ҳаракатларининг қабиҳ ниятларини фош этиш — бугунги долзарб вазифадир.

Оҳангарон туманининг Қорахитой қишлоғидаги 12-умумтаълим мактабида ўтган йиғилишда ана шулар ҳақида сўз борди. Унда қўшни 11-, 13- ва 14-мактабларнинг ўқитувчилари ва юқори синф ўқувчилари ҳам иштирок этишди. Йиғилиш иштирокчиларига «Ўзбек халқи бағри кенг, кечиримли халқ», «Изтироб» видеофильмлари намойиш қилинди.

Ўз мухбиримиз.

# ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТАДИ

Курраи заминимизда ҳар йили 16 сентябрь — Халқаро озон қатламини муҳофаза қилиш кунини сифатида кенг нишонланади. Бундан ўн беш йил муқаддам шу кунини Монреаль шаҳрида озон қатламини емирилишига қарши «Монреаль баённомаси» қабул қилинган.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида шу муносабат билан соҳа мутахассислари иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди. Қўмита раиси Х.Шеримбетов бошқарган ушбу тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда мустақилликнинг илк йиллариданок атроф-муҳит муҳофазасига катта эътибор берилди, хусусан, озон

қатламини емирилишининг олдини олишга қаратилган муҳим чора-тадбирлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Ўтган давр мобайнида бу борада бир қанча муҳим халқаро конвенция ва битимлар имзоланди. Мамлакатимиз уларнинг барчасида фаол қатнашаётир. Шу ҳужжатлар асосида юртимизда озон қатламини емирувчи моддаларни


ишлатишнинг олдини олиш бўйича ишлаб чиқилган Миллий дастур изчиллик билан босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Тадбирда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури /БМТТД/ ҳамда ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқилган Атроф-муҳит дастурининг тақдироти бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда она табиат муҳофазаси йўлида олиб борилаётган сай-ҳаракатлар самарадорлигини ошириш, соҳа ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш кўзда тутилган.

(ЎЗА).

# Hamkorlik

## Ўзбекистон ва Корея ёзувчиларининг битими



Тошкентда ўзбек ва корей шoirлари ва ёзувчиларининг асарларини ўзаро нашр этиш бўйича халқаро битим имзоланишига бағишланган маросим бўлди. Унда иккала мамлакатнинг кўзга кўринган маданият

арбоблари, адабиётшунослар, шoir ва ёзувчилар иштирок этди.

Маросимда мустақил Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 10 йил тўлгани қайд этилди. Шу давр ичида иккала давлатда иқтисодий, маданият соҳаларида йирик қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда, дўстона алоқалар янада мустаҳкамланмоқда. Мазкур битимнинг имзоланиши ҳам ана шунинг ёрқин мисолидир.

Тадбирда «Жаҳон адаблари уюшмаси», «Жаҳон адабиёти» ҳафталиги адабий уюшмаси ҳамда Жанубий Корея республикасида йилнинг ҳар чорагида нашр этиладиган «Жаҳон шеърияти» ва Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси-

нинг «Шарқ юлдузи» журнали ўртасида битим имзоланди. Битимга кўра, қўшма фаолият доирасида маданий ва адабий айирбошлаш, бошқа тадбирлар амалга оширилади. «Жаҳон шеърияти» ҳафталиги ва йилнинг ҳар чорагида чиқадиган «Шарқ юлдузи» журналида бадиий асарлар эълон қилинади. Улар, шунингдек, жаҳон интернет тизими саҳифаларидан ҳам жой олади.

Инглиз тилига таржима қилинган асарларни айирбошлаш электрон алоқа воситалари /E-Mail/ ёрдамида амалга оширилади ҳамда бу асарлар ҳар иккала мамлакат адаблари бирлашмалари томонидан эълон қилинади.

## Имтиёзли кредит

Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида Ўзбекистон ҳамда Германия ҳукуматлари ўртасида мамлакатимизга 1,02 миллион евролик беғараз ёрдам ажратиш тўғрисидаги битим имзоланди. Ҳужжатта Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар

вазирлигидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Мартин Хеккер имзо чекди.


«Профессионал таълимни ривожлантиришга кўмаклашиш» лойиҳаси доирасида имзоланган бу битимга кўра, ажратилган маблағ Ўзбекистондаги ўқув юртлари ўқитувчиларининг касбий тайёрлигини яхшилаш, малакасини ошириш, ўқитиш услубиятини такомиллаштириш, турли илмий лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишга сарфланади.

Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигидаги учрашув чоғида Ўзбекистон-Германия ҳамкорлиги ҳар жиҳатдан самарали кечаётгани таъкидланди. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, транспорт ва телекоммуникация, озик-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш соҳаларида ўрнатилган

кўмаклаш алоқалар бунинг яққол далилидир.

Учрашувда икки мамлакатнинг таълим соҳасини ривожлантириш борасидаги ҳамкорлиги ҳам диққатга сазовор экани айтиб ўтилди. Хусусан, биргина «Профессионал таълимни ривожлантиришга кўмаклашиш» лойиҳаси доирасида Германия ҳукумати Ўзбекистондаги таълим тизими такомиллаштириш учун 7,6 миллион евро ажратишга қарор қилган. Умумий ҳажмда эса, Германия ҳукумати мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий соҳасини ислоҳ қилишга кўмаклашиш мақсадида жами 140 миллион евродан ошувчи имтиёзли кредитлар берган.

## Меморандум имзоланди



Дунёнинг энг қадимги ва обрўли университетларидан бири — Париждаги Сорбонна университети Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг хорижий ҳамкорлари сафига қўшилди. Сорбонна ректори, Париж университетлари ректорлари уюшмасининг раиси, профессор Жорж Молинёнинг мамлакатимизга ташрифи ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланиши билан бошланди.

Президент Ислам Каримов ташаббуси билан Ўзбекистон таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар дунёнинг етакчи давлатларидаги илғор кадрлар тайёрлаш тизимлари билан фаол ҳамкорликни ривожлантиришни кўзда тутди, дея таъкидлади мемо-

рандумни имзолаш маросимида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги раиси С.Фуломов. Бундай алоқалар Буюк Британия, Германия, Испания, АҚШ, Россия, Япония, бошқа давлатларнинг таниқли олий ўқув юртлари билан ўрнатилган.

ЎЗА.

**Тадбир**

**ЭРКИНЛАШТИРИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ**

**11 сентябрь куни вилоят «Турон» илмий университети кутубхонасида «Жамиятимизни эркинлаштиришнинг янги босқичи» мавзuida Республика Олий Мажлиси депутатлари билан учрашув бўлиб ўтди. Уни адабиётшунос олим Наим Каримов бошқарди.**

Учрашувда сўзга чиққан Олий Мажлис депутати, «Ўзбекистон матбуоти» журнали Бош мухаррири, Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси ҳамраиси Хуршид Дўстмухамедов Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг маърузасида мамлакатимиз мустақил ривожланиши асосий босқичларини атрофлича таҳлил этганлигини, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг устувор йўналишлари ва тамойилларини атрофлича белгилаб берганлигини ҳаётини мисоллар ёрдамида таҳлил қилиб берди.

Тадбирда сўз олган академик Бахтиёр Назаров, адабиётшунос олим Баҳодир Каримов, вилоят Маданият ишлари бошқармаси бошлиғи Рамзиддин Икромов ва бошқалар жамиятимизни эркинлаштиришнинг янги босқичи талаблари асосида фаолият кўрсатиш бугунги кунда маданият, маънавият, адабиёт-санъат ходимларининг бурчи эканлиги ҳақида фикр юритдилар.

Учрашув гоятда қизиқарли, савол-жавобларга бой бўлди.

*Ўз мухбиримиз.*

**РЕЖАНИ ПУХТА ОЛГАН ДОҒДА ҚОЛМАЙДИ**

лари, барча хўжалик раҳбарлари ва бош мутахассислари, йирик фермер хўжаликлари бошлиқлари иштирок этди.

Бу йил вилоятда бошоқли дон экинлари майдонини янада кенгайтириб, 135 минг гектарга етказиш режалаштирилган. Ўтган йиллар тажрибаси шуни кўрсатдики, кузги галла уруғи кечи билан октябрнинг учинчи ўн кунлигигача экиб олинган жойларда барқарор ва сифатли дон ҳосили олишга эришилмоқда.

Шуни ҳисобга олиб, машғулот-кенгаш иштирокчилари бу йилги мавсумда бошоқли дон уруғини 20 октябргача экиб олишни таъминлаш имкониятларини атрофлича муҳокама қилдилар. Ерни занжирли тракторда ҳайдашдан бошлаб, уни тайёрлаш ва уруғ экишгача бўлган барча иш жараёни махсус техника ҳамда турли хил мола ва бороналар воситасида амалда намойиш этилди.

Маълумки, ҳар йили анчагина майдонга кузги бошоқли дон гўза қатор ораларига экилади. Бунинг ҳам ўзига хос технологияси бор. Агар унга тўғри амал қилинмаса, қутилган ҳосилни олиб бўлмайди. Афсуски, вилоятимизда кузги галлани экиш, сифатли парвариш қилиш технологиясига амал қилмай, нафақат дон етиштириш, балки, давлат режасини сурункасига уйдаламай келаётган хўжаликлар ҳам йўқ эмас. Кенгашда вилоятни орқага тортаётган ана шундай хўжаликлар раҳбарлари ва мутахассислари фаолиятига қатъий баҳо берилди. Хусусан, Бекобод туманидаги Ойбек номли (раиси Абдусамат Жумабоев), «Авангард» (раиси Дониёр Мўминов), «Фарход» (раиси Ҳасан Соибназаров)

(Давоми. Боши 1-бетда).

ширкат хўжаликларида ҳосилдорлик вилоятнинг ўртача кўрсаткичига нисбатан икки баравар паст бўлаётганлиги сабаблари ҳар томонлама очиб ташланди. Хуллас, кейинги йилларда орттирилган бой тажриба ва илғор агротехника қондаларига амал қилган ҳолда бу йил кузги бошоқли донни экишга 15 сентябрдан киришишга қарор қилинди.

2003 йил бошоқли дон ҳосили учун хўжалик бошқаруви ва оилавий пудратчилар ўртасида тузилган контрактация шартномалари муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳисобга олиниб, ушбу қонуний ҳужжатларни экишни бошлаш олдидан тўла расмийлаштириш вазифаси қатъий қилиб қўйилди. Барча туман ва хўжаликларнинг раҳбарлари ҳамда мутахассисларига Пскент туманидаги Дўстбеков, Охунбоев номи, Паркент туманидаги «Бойқозон», «Гулбоғ» ширкат хўжаликларининг бошоқли донни мақбул муддатларда экиш, сифатли парваришлаб, мўл ҳосил етиштириш учун пудратчи-

ларга қулай шарт-шароитлар яратиб бериш ва уларни моддий рағбатлантириш борасидаги тажрибаларини ўзлаштириш тавсия этилди.

Шунингдек, машғулот-кенгашда бу йилги пахта ҳосилини уюшқоқлик билан қисқа муддатларда йиғиб-териб олиш масаласи ҳам муҳокама қилинди. Бунда кенгаш иштирокчиларининг эътибори вилоят ҳокимининг пахта ҳосилини уюшқоқлик билан йиғиштириб олиш тўғрисидаги қарорида белгилаб берилган асосий чора-тадбирларни ўз вақтида бажаришга қаратилди. Чунки, мутахассисларнинг таъкидлашича, 110 минг гектар майдонда 280 минг тонналик давлат буюртмасини ортиги билан қоплайдиган даражада ҳосил тўплашга эришилган бўлсада, у аввалги йиллардагига нисбатан кечроқ пишиб етилмоқда. Бинобарин, бугунги вазият йиғим-теримни уюшқоқлик билан олиб бориш, бутун мавсум давомида оммавий сафарбарликни таъминлаш зарурлиги-

**Тараддуд**

ни тақозо этмоқда.

Кенгашда бу йилги шароитдан келиб чиққан ҳолда машина теримига жиддий эътибор бериш зарурлиги таъкидланди. Бу, аввало, етиштирилган жами ҳосилни қисқа муддатда, яъни ёғин-сочинли кунларга қолдирмай, саранжомлаб олиб, давлат буюртмасини муваффақиятли уйдалаш имконини беради. Энг муҳими эса, хўжаликларнинг иқтисодий аҳолиларини анча яхшилаб олишларини таъминлайди. Ҳозир барча туманлардаги МТП ларда 206 та «Кейс» комбайни теримни бошлашга шай бўлиб турибди. Бундан ташқари ҳамма хўжаликлардаги эски маҳаллий терим машиналарини ҳам яна бир бор кўздан кечириб, камчиликларини тўлдириб, носоз жойларини тузатиб, далага олиб чиқиш учун тахт қилиб қўйиб зарур. Барча техника воситаларининг бутун мавсум давомида тўхтовсиз ва юсак унум билан ишлашини таъминлаш мақсадида эҳтиёт чараларни ҳозирдан етарли қилиб қўйиш, ҳамма турдаги техник хизматни бевосита дала бошларига кўчириш лозим.

Вилоят ҳокимининг қарорида таъкидланганидек, пахта йиғим-терим иштирокчиларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш мақсадида хўжалик раҳбарларига пахта теримига далалардаги ҳосил чўғига қараб табақалаштирилган усулда ҳақ тўлаш тавсия этилди.

Айни кунларда вилоят пахтазорларида дефолиация қизгин давом этмоқда. Ушбу тадбир 20 сентябргача тўла тугалланиши керак.

Куз ҳавоси беқарор. Ҳар бир кун ғанимат. Катта машаққатлар эвазига етиштирилган ҳосилнинг, энг муҳими давлат режасининг тақдирини йиғим-теримни қай даражада оммавий сафарбарлик ва уюшқоқлик билан олиб боришга боғлиқ эканлигини унутмаслик зарур.

**Абдусамат ЙЎЛДОШЕВ,**  
**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**



**ДЎРМОНДА ЎТГАН АНЖУМАН**

**Қибрай туманининг Дўрмон қишлоғида «Йод моддалари етишмовчилиги ва темир танқислиги анемиясининг олдини олиш» мавзусида анжуман ўтказилди.**

Республика Саломатлик институти Тошкент вилояти бўлими Осие тараққиёт банкнинг грант лойиҳаси билан ҳамкорликда ўтказган ушбу тадбирда шу со-

ҳанинг бир қатор мутахассислари фаол иштирок этдилар. Анжуманда Республика Саломатлик институти директори О. Муртазоев, масъул муассаса вакиллари Ю.

Саидова, Н. Тошбоев, институтнинг вилоятдаги филиали директори М. Эргашева, вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи В. Андриянов, вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази бош шифокори М. Ўлмасов ва бошқалар мавзу бўйича маърузалар ўқишди.

**У. ҲИКМАТОВ.**

**Ислохот, изланиш, имконият**

700 минг сўмга бориб қолганди. Маблағ йўқлигидан жамият меҳнат аҳлига олти ойлаб иш ҳақи берилмасди.

Бундан нафақат жамоа, энг асосийси харидорлар ҳам қийналар эди. Чунки, қарз туфайли кор-

ни бир-икки соатга очиб, номига уни-буни савдо қилган бўларди-да, кейин эшикка қулф осиб куни бўйи кўринмас эди. Вақтида қаралмагач, дўконларнинг кўпи эскириб, баъзи

этилиб, унда тайёрланаётган мазали таомлар билан доимий миқозларига эга бўлди.

Хўп, нималар эвазига жамият қарзларини узиб, ҳисоб рақамидеги даромад салмоғи оша бошлади? Аввало 8 турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш билан кифояланмай, савдо қўламини кенгайтириш йўллари изланди. Масалан, биргина ўтган йили 58 миллион сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, марказлашмаган манбалардан 55 миллион сўмлик товар келтириб сотилди.

Кейин ишлаб чиқариш қувватини оширишга эришилди. Амалдаги йилнинг олти ойида нон ишлаб чиқариш режаси 120 фоизга, қандолат 104, музқаймоқ, салқин ичимликлар тайёрлаш 100 фоизга бажарилди. Умуман, ярим йилда белгиланганидан 15 миллион сўмдан ортиқ турли хуштаъм ноз-неъматлар ишлаб чиқарилди. Хуллас, 2001 йилда олинган соф фойда 28 миллион сўмни ташкил этган бўлса, бу йил камиде 35 миллион сўм бўлиши қутилмоқда.

**Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ,**  
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

**ҚАРЗГА БОТГАН ЖАМИЯТ**

**тезда иқтисодини тиклаб олди. Бунинг сабаби...**

хоналар ун, гуруч, ёғ каби кундалик эҳтиёж маҳсулотларини жамиятга бермай қўйганди. Шунда мутасаддиларни бир савол жиддий ўйлантириб қўйди: бу ҳол тоқайгача давом этади? Ахир ортага кетишнинг ҳам охири бор-ку? Нима қилиш керак? Хуллас, вазият зудлик билан тезкор чора-тадбирни кўришни тақозо этарди.

Узоқ мулоҳазалардан сўнг ёш, изланувчан ва ташаббускор мутахассис Фулом Шойбеков жамиятга раисликка муносиб топилди. Янги раҳбар ишни жамиятдаги нохуш аҳволни атрофлича ўрганишдан бошлади. Жамоада меҳнат интизомига эътиборни кучайтирди. Сабаби, илгари баъзи мудирлар дўкон-

жойлари нураб, бугунги кун талабига жавоб бермас, таъмирталаб эди.

Иккинчидан, дўкон кун бўйи очик туриши керак бўлгач, пештахта тўла бўлиши лозим. Янги раис елиб-югуриб, тегишли муассасалардан қарз олиб ҳамма дўконни озиқ-овқатга тўлдирди. Уч йил ичида барча савдо иншоотлари ва нон ишлаб чиқариш корхонаси таъмирланди. Эскирган жиҳозлар ўрнига янгилари ўрнатилди. Туман маркази ва чекка қишлоқларда тўртта дўкон қурилиб, ишга туширилди. Қурилиши чала ётган «Бахт уйи» мажмуаси ҳам тикланиб, пардоздан чиқарилди. Ҳозир оққўрғонлик ёшлар шу муҳташам бинода никоҳдан ўтишяпти. Иккита шинам ошхона бунёд

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида ўтган IV халқаро илмий-амалий конференция матбаачиликда ахборот-коммуникация тизими, бозор шароитларида техника ва технология даражасини кўтариш масалаларига бағишланди.**

**ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР — АМАЛИЁТГА**

Меҳмонлар концерннинг ишлаб чиқариш бўлинмалари билан таништирилди. Бўлим ва бўлинмалар, хизматларнинг раҳбарлари билан амалий учрашувлар бўлди.

Компаниянинг бош директори Б.Алимов конференцияни бошқарди. Унинг ўринбосари — бош муҳандис О. Раҳимов акциядорлик компанияси ривожининг асосий йўналишлари, матбаа маҳсулотларини чиқаришда ахборот-коммуникация технологиялари тақомиллаштирилишининг аҳамияти ҳақида маъруза қилди.

Илмий-амалий конференцияда матбаа тармоғи кадрларини тайёрлаш, ахборот технологияларини ривожлантириш истиқболлари, жаҳон андозалари даражасидаги дарсликларни тайёрлаш ва бошқа масалалар муҳокама қилинди. Нотиқлар — мамлакатимиз ва хориждаги илғор матбаа фирмалари ва компанияларининг вакиллари, техника ва технологияларнинг янги авлоди қандай яратилаётганлиги ҳақида гапиришди.

*Ўз мухбиримиз.*

## DUSHANBA

16

## «Ўзбекистон» телеканалли

## Теледомашбилар диққатига!

Профилактика муносабати билан душанба, 16 сентябрь куни «Ўзбекистон» телеканалли кўрсатувлари соат 15.00 дан бошлаб кўрсатилади.

15.00 «Тахлинома».  
15.45 ТВ анонс.  
15.50 «Ошин». Телесериал.  
16.20 «Тўртинчи ҳокимият».  
16.40 «Кино оламида».  
**«Болалар сайёраси»:**  
17.00 1. «Олтин тож».  
Телевизион ўйин. 2. «Санъат гўнагалари».  
18.00 Янгилеклар

18.10 «Мулк».  
18.30 «Олтин мерос».  
18.45 «Бахтли воқеа».  
Телелотерея.  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртаклари.  
20.15 Биржа ва банк хабарлари.  
20.30 «Ахборот».  
21.05 «Қўшиғимиз Сизга армуғон».  
21.30 2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили. «Париси бор уй».  
21.50 Кураш бўйича жаҳон чемпионати.  
22.25 «Мовий уммон қаърида». Телесериал.  
23.15 «Ахборот-дайжест».  
23.35-23.40 Ватан тимсол-

лари.

## «Ёшлар» телеканалли

8.55 Кўрсатувлар дастури.  
9.00 Давр тонги.  
10.00 «Янги авлод» студияси: болалар учун концерт.  
10.20 «Мульттомоша».  
10.50 Муסיқий лаҳзалар.  
11.00 «Давр» ҳафта ичида.  
11.30 Саломат бўлинг. Тўғри овқатланиш. 4-кўрсатув.  
11.50 «Доктор Финли». Телесериал.  
12.40 «Давр»-news.  
12.55 Мехр кўзда.  
13.05 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.  
13.55 Кўҳна оҳанглар.  
14.10 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.  
14.35 «Қадр топган отахон». Телефильм.  
14.55 «Кусто командасининг

сув ости саргузаштлари». Телесериал.  
15.45 Спорт ҳафтаномаи. мистер Хайднинг саргузаштлари». Бадийий фильм.  
17.25 ТВ-анонс.  
17.35 Кўрсатувлар дастури.  
17.40 «Янги авлод» почтаси. Болалар шеърляти.  
18.05 Муҳаддас бурч.  
18.25 Тафаккур ёлқинлари.  
18.40 Оқшом наволари.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 Давр.  
19.35 ТВ-анонс.  
19.40 Кўҳна оҳанглар.  
19.50 Дийдор.  
20.10 Ёшлар овози.  
20.30 Муҳаббат қўшиқлари.  
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар  
20.55 «Эсмеральда». Телесериал.  
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.

21.50 Олтин мерос.  
22.00 Давр.  
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.  
23.05 «Ёшлар» телеканаллида спорт: Интерфутбол.  
Танаффус пайтида:  
23.50 Давр.  
00.55-1.00 Хайрли тун!

## «Тошкент» телеканалли

17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 «Сайр қилаётган мушук». Мультфильм.  
17.40, 19.05, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.  
18.00 «Болажонлар экрани». «Шарки ва Жорж». 34-қисм.  
18.30, 20.00, 21.10 «Пойтахт». Ахборот дастури.  
18.50 «Камалак».  
19.25 «Спорт ва болалар».  
19.40 «Авто-ньос».

20.30 ТТВда сериал: «Азизим Изабелла».  
21.30 «ТВ плюс».  
22.20 «Пойтахт шарҳи».  
22.45 Кинонигоҳ, «Истиқомат ҳуқуқи».  
00.25-00.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

## «Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00  
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ  
16.10 - 16.40  
16.40 Кўрсатувлар тартиби.  
16.45 «Вести».  
17.00 «Евроньос» янгилеклари.  
17.15 «Қушдай енгил бўлинг». М. Евдокимов ҳузурда.  
18.00 «Мени куттил».  
19.00 «Фаталистлар». Сериал. Комедия. 1-қисм.  
20.00 «Время».  
20.40 «Жаҳон бўйлаб».

21.25 «Ҳинд оҳанглари».  
21.45 Питер Фальк «Йўқолган дунё» саргузашт фильмида. 1-қисм.  
22.30 CFI тақдим этади: «Табиат саргузаштлари».  
23.20 «Ахборот» (рус тилида)  
23.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## 30-КАНАЛ

16.55 гача профилактика ишлари.  
16.55 Дастурнинг очилиши. 17.00 Шоу соати.  
17.40, 20.35 — «Телехамкор». 18.00 «Кўрсичқон». Сериал. 1-серия. 19.00 «30-канал» кинооқшоми: «Свингерлар учун қопқон». 21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.15 «Ошиқона», муסיқий дастури.  
21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Уқланган милтиқ». 23.15 «30-канал»да спорт.

## SESHANBA

17

## «Ўзбекистон» телеканалли

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00 - 8.35 «Ахборот».  
8.35, 17.55 ТВ маркет.  
8.40 Газеталар шарҳи.  
9.00 «Камалак». Болалар учун кинодастур.  
9.40 «Соғлом она - соғлом бола».  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилеклар  
10.05 «Мулк».  
10.25 «Қизил қор ёқанда». Бадийий фильм.  
11.40 «Тибийёт одимлари».  
11.55, 12.40, 14.30 ТВ анонс.  
12.05 Кураш бўйича жаҳон чемпионати.  
12.45 «Қишлоқ ҳаёти».  
13.05 Эстрада тароналари.  
13.30 «Париси бор уй».  
13.50, 16.50 ТВ клип.  
14.10 «Сийёсат оламида».  
14.35 «Талабалик йилла-

рим».  
14.55 «Ит уяси». Телесериал премьераси.  
15.40 «Қалб гавҳари».  
16.00 Дутор ва танбур тароналари.  
16.25 «Қиролликдаги саргузаштлар». Мультсериал.  
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».  
18.10 «Баркамол авлод ораузи».  
18.30 III Халқаро симфоник муסיқа фестивали олдидан.  
18.50 «Инсон ва қонун».  
19.10 «Тафсилот».  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртаклари.  
20.15 FCN «Ўзбекистон янгилеклари» (инглиз тилида)  
20.30 «Ахборот».  
21.05 Ўзбекистон халқ

артистлари.  
21.30 «Ўзбекистон» каналлида илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.  
22.00 «Дунёқараш».  
22.15 Қашқадарёда мустикалик байрами.  
22.45 «Олам футбол».  
23.15 «Ахборот-дайжест».  
23.35-23.40 Ватан тимсоллари.

## «Ёшлар» телеканалли

8.55 Кўрсатувлар дастури.  
9.00 Давр.  
9.15 «Янги авлод» почтаси. Болалар шеърляти.  
9.40 «Тасвирчи Кипс кимсасиз оролда». Мультфильм.  
10.00 Муסיқий лаҳзалар.  
10.10 «Эсмеральда». Телесериал.  
10.40 Ёшлар овози.  
11.00 Ўзбекистонда Япония маданияти кунлари. Жаҳон жугрофияси. Япония хазиналари.  
11.50 Саломат бўлинг. Тўғри овқатланиш. 5-

кўрсатув.  
12.10 «Доктор Финли». Телесериал.  
13.00 Муҳаддас бурч.  
13.20 Интерфутбол.  
15.00 Кўҳна оҳанглар.  
15.15 «Биринчи қалдирғоч». Бадийий фильм.  
16.30 Дийдор.  
16.50 Кўрсатувлар дастури.  
16.55 «Янги авлод» студияси: «Билағон маслаҳати».  
17.15 Таянч.  
17.40 Ғазал соғинчи.  
18.00 Автопатруль.  
18.20 Минг бир маслаҳат.  
18.40 Оқшом наволари.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 Давр.  
19.35 ТВ-анонс.  
19.40 Ракурс.  
20.00 «Бу менинг Ватаним» туркуми: Бухоро вилояти. Видеофильм.  
20.35 Ёшлик наволари.  
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар  
20.55 «Эсмеральда». Телесериал.  
21.30 Ёшлар овози.

21.50 Олтин мерос.  
22.00 Давр.  
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.  
23.05 «Ёшлар» телеканаллида спорт: Нокаут.  
23.30 Давр.  
23.45 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.  
00.10-00.15 Хайрли тун!

## «Тошкент» телеканалли

17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 «Олтин бошоқлар». Мультфильм.  
17.40, 19.15, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.  
18.00 «Болажонлар экрани». «Шарки ва Жорж». 35-қисм.  
18.30, 20.00, 21.10, 22.20 «Пойтахт». Ахборот дастури.  
18.50 «Сиз соғинган наволар». Н. Аҳмедова.  
19.35 «Аёл-она, мурабий, раҳбар» телеклуби.  
19.50 «Жозиба».  
20.30 ТТВда сериал: «Азизим Изабелла».

21.30 «Туризм ҳақида».  
22.45 Кинонигоҳ, «Катта меҳмонхона».  
00.30-00.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»

## «Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00  
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ  
16.10 - 16.40  
16.40 Кўрсатувлар тартиби.  
16.45 «Вести».  
17.00 «Евроньос» янгилеклари.  
17.20 «Машхурлар». Раиса Рязанова.  
17.55 «Оилавий ришталар». Сериал.  
18.55 «Фаталистлар». Сериал. Комедия. 2-қисм.  
20.00 «Время».  
20.40 «Кун мавзуси».  
21.00 «Нигоҳ».  
21.20 «Ҳикоя».  
21.45 Питер Фальк «Йўқолган дунё» саргузашт фильмида. 2-қисм.  
22.30 CFI тақдим этади: «Табиат саргузаштлари».  
23.20 «Ахборот» (рус

тилида)  
23.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## 30-КАНАЛ

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.35 — «Телехамкор». 9.30, 14.10 — Болалар соати. 10.15 «Ботирлар». Сериал. 10.40 «Жанговор санъат олами». Спорт дастури. 11.10 «Сирларимиз ёзи». Телесериал. 1-серия. 12.00 «Мушкетёрлар 20 йил ўтгач». 2-серия. 13.30 «Яго, зулмат эхтироси». Сериал. 15.00 Кундузги кинозал: «Магдаленанинг сокин эхтирослари». Сериал. 15.50 "30"да спорт". 17.00 Шоу соати. 18.00 «Кўрсичқон». Сериал. 19.00 «30-канал» кинооқшоми: «Марта ҳақида бир оғиз сўз». 21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.15 «Ошиқона». Муסיқий дастур. 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Сержант Жо талқини». 23.15 "Тез ёрдам". Сериал.

## CHORSHANBA

18

## «Ўзбекистон» телеканалли

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00 - 8.35 «Ахборот».  
8.35, 17.55 ТВ маркет.  
8.40 Газеталар шарҳи.  
9.00 «Ўзбектефильм» намойиши: «Афросиёб», «Бахмал».  
9.20 «Соз сеҳри».  
9.45 «Дунёқараш».  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилеклар  
10.05 Алифбо сабоқлари.  
10.25 «Кучча». Бадийий фильм.  
11.40 «Рангин дунё».  
12.05 «Баркамол авлод ораузи».  
12.25 ТВ анонс.  
12.30 «Миттивойлар оиласи».  
12.50 Қашқадарёда мустикалик байрами.  
13.20 «Ошин». Телесериал.

13.50, 14.50 ТВ клип.  
14.10 «Остонаси тиллодан».  
14.30 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.  
15.00 «Ит уяси». Телесериал премьераси.  
15.45 «Оламини асранг!»  
16.05 «Ягона оилада».  
16.35 «Ўзбектефильм» намойиши: «Қаратэ - менинг ҳаётим».  
**«Болалар сайёраси»:**  
17.00 1. «Шоирлар - болаларга». 2. «Кувноқ шаҳарча». Телемусобақа.  
18.10 «Аёл дунёни тебратар».  
18.30 «Умид». Телелотерея.  
19.10 «Мулк».  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 Эълонлар  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртаклари.  
20.15 «Юзма-юз».  
20.30 «Ахборот».  
21.05 «Солиқ ва биз».

21.25 Ўзбекистон каналлида илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.  
22.00 «Спорт, спорт, спорт».  
22.15 «Оқ йўл!» Бекмурод Жўраев.  
22.40 «Мувозанат».  
23.05 «Ахборот-дайжест».  
23.25-23.30 Ватан тимсоллари.

## «Ёшлар» телеканалли

8.55 Кўрсатувлар дастури.  
9.00 Давр.  
9.15 «Янги авлод» студияси: Билағон маслаҳати.  
9.35 «Сеҳрли аждар». Мультфильм.  
10.00 Муסיқий лаҳзалар.  
10.10 «Эсмеральда». Телесериал.  
10.40 Таянч.  
11.05 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.  
11.55 Ёшлар овози.  
12.15 «Доктор Финли». Телесериал.  
13.05 Ракурс.  
13.25 Болалар экрани:

«Простоквашинолик учовлон».  
14.15 «Ёшлар» телеканаллида спорт: Теннис.  
14.55 Кўҳна оҳанглар.  
15.05 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.  
15.55 Ғазал соғинчи.  
16.15 Ўзбекистонда Япония маданияти кунлари. «Самурайлар байроғи». Бадийий фильм 1-қисм.  
17.20 Автопатруль.  
17.40 Кўрсатувлар дастури.  
17.45 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар».  
18.00 «Мульттомоша».  
18.15 Чемпион сирлари.  
18.35 Каталог.  
18.45 Оқшом наволари.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 Давр.  
19.35 ТВ-анонс.  
19.40 Сийрат.  
20.00 Спортлото.  
20.10 Очил дастурхон.  
20.25 Севги тароналари.  
20.45, 21.20, 22.35 Эълонлар  
20.50 «Эсмеральда».

Телсериал.  
21.25 Ўзбек мумтоз муסיқисидан.  
21.30 Ёшлар овози.  
21.50 Олтин мерос.  
22.00 Давр.  
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.  
23.05 «Ёшлар» телеканаллида спорт: Интерфутбол.  
Танаффус пайтида:  
23.50 Давр.  
00.55-1.00 Хайрли тун!

## «Тошкент» телеканалли

17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 «Дала». Мультфильм.  
17.40, 19.10, 22.15 «Экспресс» телегазетаси.  
18.00 «Болажонлар экрани». «Шарки ва Жорж». 36-қисм.  
18.30, 20.00, 21.10, 22.35 «Пойтахт». Ахборот дастури.  
18.50 «Муסיқий меҳмонхона».  
19.30 «Ҳимоя».  
19.40 «Бу сизга ёқади».  
20.30 ТТВда сериал:

«Азизим Изабелла».  
21.30 «Янги иқтисод».  
Бевосита мулоқот.  
23.00 Кинонигоҳ, «Устаси фаранг».  
00.10-00.15 «Хайрли тун, шаҳрим!»

## «Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00  
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ  
16.10 - 16.40  
16.40 Кўрсатувлар тартиби.  
16.45 «Вести».  
17.00 «Евроньос» янгилеклари.  
17.20 Е. Петросяннинг «Кулги панорамаси».  
17.55 «Оилавий ришталар». Сериал.  
18.55 «Фаталистлар». Сериал. Комедия. 3-қисм.  
20.00 «Время».  
20.40 «Бугунги Япония».  
21.00 «Ўз-ўзига режиссёр».  
21.45 Питер Фальк «Йўқолган дунё» саргузашт фильмида. 3-қисм.  
22.30 CFI тақдим этади: «Табиат саргузаштлари».

23.20 «Ахборот» (рус тилида)  
23.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## 30-КАНАЛ

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.35 — «Телехамкор». 9.30, 14.10 — Болалар соати. 10.15 «Ботирлар». Сериал. 10.40 «Яхши кайфият». 11.10 «Сирларимиз ёзи». Телесериал. 12.00 «Мушкетёрлар 20 йил ўтгач». 3-серия. 13.30 «Яго, зулмат эхтироси». Телесериал. 15.00 Кундузги кинозал: «Магдаленанинг сокин эхтирослари». Сериал. 15.50 "30"да спорт". 17.00 Шоу соати. 18.00 «Кўрсичқон». Сериал. 19.00 «30-канал» кинооқшоми: «Киллер 2». 21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.15 «Ошиқона». Муסיқий дастур. 21.30 Хинд киноси: «Севги ҳиссиётлари».

## PAYSHANBA

19

## «Ўзбекистон» телеканалли

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.35 «Ахборот».  
8.35, 17.55 ТВ маркет.  
8.40 Газеталар шарҳи.  
**«Болалар сайёраси»:**  
9.00 1. «Шоирлар - болаларга». 2. «Кувноқ шаҳарча». Телемусобақа.  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00

Янгилеклар  
10.05 «Мулк».  
10.20 «Орзулар камалаги». Бадийий фильм.  
11.25 «Мувозанат».  
11.50, 16.35 ТВ клип.  
12.05 «Фанимиз истиқболлари».  
12.25 «Аёл дунёни тебратар».  
12.45 ТВ анонс.  
12.50 «Муסיқий учрашувлар». Янгийул шаҳри

меҳнаткашлари ҳузурда.  
13.30 «Ошин». Телесериал.  
14.10 «Спорт, спорт, спорт».  
14.25 «Оқ йўл!» Бекмурод Жўраев.  
14.50 «Озода бўлса шаҳринг».  
15.10 «Ит уяси». Телесериал премьераси.  
15.55 «Орзулар қанотида».  
16.15 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.  
16.40 «Ўзбекистон ифтихори». Спорт дастури.  
**«Болалар сайёраси»:**  
17.00 1. «Беш бармоқ». 2.

«Уйла, Изла, Топ». Телемусобақа.  
18.10 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари».  
18.30 «Яхши ният». Телелотерея.  
19.05 «Соғлом она - соғлом бола».  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртаклари.  
20.15 FCN «Ўзбекистон янгилеклари» (инглиз тилида)  
20.30 «Ахборот».

21.05 Телемулоқот: Истеъмолчилар ҳуқуқи.  
21.45 III Халқаро симфоник-муסיқа фестивалининг тантанали очилиши.  
22.25 «Мовий уммон қаърида». Телесериал.  
23.15 «Ахборот-дайжест».  
23.35-23.40 Ватан тимсоллари.

## «Ёшлар» телеканалли

8.55 Кўрсатувлар дастури.  
9.00 Давр.  
9.15 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар».

9.30 «Малика ва етти баҳодир». Мультфильм.  
10.00 Муסיқий лаҳзалар.  
10.15 «Эсмеральда». Телесериал.  
10.45 Спорт-қитъаси (рус тилида)  
11.15 Чемпион сирлари (рус тилида)  
11.35 «Доктор Финли». Телесериал.  
12.25 Ёшлар овози.  
12.45 Сийрат.  
13.05 Интерфутбол.  
14.45 Кўҳна оҳанглар.  
14.55 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.

15.20 Оддий одамлар.  
15.40 Ўзбекистонда Япония маданияти кунлари. «Самурайлар байроғи». Бадийий фильм. 2-қисм.  
16.50 Кўрсатувлар дастури.  
16.55 Уйна, болажон, уйна.  
17.10 «Янги авлод» студияси: «Спорт майдончаси».  
17.30 Ватан манзаралари.  
17.50 Кутқарув «050».  
18.00 Ёшлар овози.  
18.20 Табобат

**О**ламида.  
18.40 Оқшом наво-  
лари.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 Давр.  
19.35 Тв-анонс.  
19.40 Кўрна оҳанглар.  
19.45 «Давр»-репортаж.  
19.55 «Бу менинг  
Ватаним» туркуми:  
Хоразм вилояти.  
Видеофильм.  
20.30 «Ёр ишқи». Мусиқий  
дастур.  
20.50, 21.25, 22.35

Эълонлар  
20.55 «Эсмеральда».  
Телесериал.  
21.30 Бегойим.  
21.50 Олтин мерос.  
22.00 Давр.  
22.40 «Мухаббат қаваси».  
Телесериал.  
23.05 «Ёшлар» телеканили-  
да спорт: Интерфутбол.  
Танаффус пайтида:  
23.50 Давр.  
00.55-1.00 Хайрли тун!

**«Тошкент»  
телеканили**  
17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 «Ахойиб бог».  
Мультфильм.  
17.40, 19.05, 22.00  
«Экспресс» телегазетаси.  
18.00 «Болалар экран».  
«Шарки ва Жорж». 37-  
қисм.  
18.30, 20.00, 21.10, 22.20  
«Пойтахт». Ахборот  
дастури.  
18.50 «Навнорол».

19.25 «Ёшлар худуди».  
19.50 ТТВда мусиқа.  
20.30 ТТВда сериал:  
«Азизим Изабелла».  
21.30 «Умр йўлдоши».  
22.45 Кинонигоҳ «Туйдаги  
қўлиқин».  
00.15-00.20 «Хайрли тун,  
шаҳрим!»  
**«Халқаро»  
телеканили**  
РЖТ 6.30-8.00  
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ  
16.10 - 16.40

16.40 Кўрсатувлар тартиби.  
16.45 «Вести».  
17.00 «Евроњос» янгилик-  
лари.  
17.20 «Ўзим биламан».  
Ҳажвий кўрсатув.  
17.55 «Оилавий ришталар».  
Сериал.  
18.50 «Фаталистлар».  
Сериал. Комедия. 4-қисм.  
20.00 «Время».  
20.40 «Ишбилармон  
кишилар».  
21.00 «Соҳар клуб».  
21.20 Футбол. УЕФА кубоги.

МАСК- «ПАРМА» (Италия)  
23.20 «Ахборот» (рус  
тилида)  
23.55 «Тунингиз осуда  
бўлсин!»  
**30-КАНАЛ**  
9.00 Дастурнинг очилиши.  
9.05, 17.40, 20.35 — «Теле-  
хамкор». 9.30, 14.10 Бола-  
лар соати. 10.15 «Ботир-  
лар» Сериал. 10.40 «Яши  
кайфият». 11.10 «Сирлари-  
миз ёзи». Сериал. 12.00  
«Мушкетёрлар 20 йил  
ўтган». 4-серия. 13.30 «Яго,  
зулмат эҳтироси». Теле-  
сериал. 15.00 Кундузги  
киносанс: «Магдаленани-  
нинг сокин эҳтирослари».  
Сериал. 15.50 «30-да  
спорт». 17.00 «Шоу со-  
ати». 18.00 «Кўрсинқон».  
Сериал. 19.00 «30-канал»  
кинооқшоми: «Бўлиши  
мумкин эмас». 21.00  
«Хайрли тун, кичкинтой-  
лар!». 21.15 «Ошиқона».  
Мусиқий дастур. 21.30  
«30-канал» кинооқшоми:  
«Адолат юзасидан». 23.15  
«Сиреналар». Сериал.

зулмат эҳтироси». Теле-  
сериал. 15.00 Кундузги  
киносанс: «Магдаленани-  
нинг сокин эҳтирослари».  
Сериал. 15.50 «30-да  
спорт». 17.00 «Шоу со-  
ати». 18.00 «Кўрсинқон».  
Сериал. 19.00 «30-канал»  
кинооқшоми: «Бўлиши  
мумкин эмас». 21.00  
«Хайрли тун, кичкинтой-  
лар!». 21.15 «Ошиқона».  
Мусиқий дастур. 21.30  
«30-канал» кинооқшоми:  
«Адолат юзасидан». 23.15  
«Сиреналар». Сериал.

**JUMA**  
**«Ўзбекистон»  
телеканили**  
6.00 «Ассалом, Ўзбеки-  
стон!»  
8.00 - 8.35 «Ахборот».  
8.35 ТВ маркет.  
8.40 Газеталар шарҳи.  
**«Болалар сайёраси»:**  
9.00 1. «Беш бармоқ». 2.  
«Уйла, Изла, Топ».  
Телемусобақа.  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00  
Янгиликлар  
10.05 «Товус малика».  
Бадий фильм.  
11.35, 13.50 ТВ клип.  
11.45 «Истиқлол неъматла-  
ри».  
12.05 III Халқаро симфо-  
ник-музыка фестивали-  
нинг тантанали очилиши.  
12.45 ТВ анонс.  
12.50 «Оталар сўзи -  
ақлнинг кўзи».  
14.10 «Олам». Телеальма-

нах.  
14.40 «Ўзбекистон: XXI аср  
ёшлари».  
15.00 Кундузги санс:  
«Оила сирлари». Бадий  
фильм.  
16.25 «Хуқуқ сабоқлари».  
16.40 «Унутмас мени  
боғим».  
**«Болалар сайёраси»:**  
17.00 «Озод юрт фарзанди-  
ман». Шоу дастур.  
18.10 «Ривож».  
18.20 «Сихат-саломатлик».  
18.40 «Бир жуфт қўшиқ».  
18.50 «Тафсилот».  
19.05 «Зиё» студияси  
намойиш этади: «Этькирд  
мустаҳкамлиги йўлида».  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00,  
21.55 Эълонлар  
19.30 «Ахборот» (рус  
тилида)  
20.00 Оқшом эртақлари.  
20.15 ТВ клип.  
20.30 «Ахборот».

21.05 «Сийсат оламида».  
21.25 Ўзбекистон» каналида  
илк маротаба: «Оши».  
Телесериал премьераси.  
22.00 «Қўшиғимиз сизга  
армуғон». Уктам Аҳмедов.  
**«Спорт» дастури»:**  
22.25 1. «Президент  
Кубоги» Халқаро турнири  
солиномаси. 2. «Спорт,  
спорт, спорт».  
23.10 «Олтин бешиқ».  
23.35 «Ахборот - дайжест».  
23.55-24.00 Ватан тиссол-  
лари.  
**«Ёшлар»  
телеканили**  
8.55 Кўрсатувлар дастури.  
9.00 Давр.  
9.15 «Янги авлод» студияси:  
«Спорт майдончаси».  
9.35 Уйна, болажон, уйна.  
9.50 Минг бир маслаҳат.  
10.10 Мусиқий лаҳзалар.  
10.20 «Эсмеральда».  
Телесериал.  
10.50 Бегойим.  
11.10 Кутқарув «050».  
11.20 Ватан манзаралари.

11.40 Ёшлар овози.  
12.00 «Доктор Фильм».  
Телесериал.  
12.50 Кўрна оҳанглар.  
13.05 Интерфутбол.  
14.45 Болалар экран:  
«Ҳамма гап шаянда».  
15.00 Мозийдан келажаққа.  
15.20 «Олтин занжир».  
Бадий фильм.  
16.45 ТВ-анонс.  
16.55 Кўрсатувлар дастури.  
17.00 «Янги авлод»  
студияси: «У ким? Бу  
нимма?»  
17.20 Автосалтанат.  
17.35 Дунё ахойиботлари.  
17.55 Мутолаа.  
18.15 Хуқуқ ва бурч.  
18.40 Оқшом наволари.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 Давр.  
19.35 Тв-анонс.  
19.40 Кўрна оҳанглар.  
19.50 Аср қиёфаси.  
20.10 Ёшлар овози.  
20.30 Мухаббат қўшиқлари.  
20.50, 21.25, 22.35  
Эълонлар  
20.55 «Эсмеральда».

Телесериал.  
21.30 Аскар мактублари.  
21.50 Олтин мерос.  
22.00 Давр.  
22.40 «Мухаббат қаваси».  
Телесериал.  
23.00 «Келин, кулишайлик».  
Шерали Ҳоқиев.  
23.20 «Ёшлар» телеканилида  
спорт: Ринг қироллари.  
00.20 Давр.  
00.35-00.40 Хайрли тун!  
**«Тошкент»  
телеканили**  
17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 «Заргадоқ».  
Мультфильм.  
17.40, 19.15, 21.45  
«Экспресс» телегазетаси.  
18.00 «Болалар экран».  
«Шарки ва Жорж». 38-  
қисм.  
18.30, 20.00, 21.10, 22.05  
«Пойтахт». Ахборот  
дастури.  
18.50 «Камолот фасли».  
19.35 «Саодат қалити».  
20.30 ТТВда сериал:  
«Азизим Изабелла».

21.30 «Эл хизматида».  
22.30 «Кинонигоҳ». «Ғолиб  
миллиони».  
24.00-00.05 «Хайрли тун,  
шаҳрим!»  
**«Халқаро»  
телеканили**  
РЖТ 6.30-8.00  
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ  
16.10 - 16.40  
16.40 Кўрсатувлар тартиби.  
16.45 «Вести».  
17.00 «Евроњос» янгиликла-  
ри.  
17.20 «Инсон ва қурун».  
17.55 «Оилавий ришталар».  
Сериал.  
18.50 «Мўжизалар  
майдони».  
20.00 «Время».  
20.40 А. Пугачёва, М.  
Жванецкой, О. Газманов,  
Л. Долина, А. Розенбаум  
«Катта концерт» дастурида.  
22.30 «Дурдаршан».  
22.55 «Ахборот» (рус  
тилида)  
23.30 «Тунингиз осуда  
бўлсин!»

**30-КАНАЛ**  
9.00 Дастурнинг очили-  
ши. 9.05, 17.40, 20.35 —  
«Телехамкор». 9.30, 14.10  
— Болалар соати. 10.15  
«Ботирлар». Сериал.  
10.40 «Сухбатдош». Дам  
олиш дастури. 11.10  
«Сирларимиз ёзи». Теле-  
сериал. 12.00 «Куюнма».  
Комедия. 13.30 «Яго, зул-  
мат эҳтироси». Телесери-  
ал. 15.00 Кундузги кино-  
зал: «Магдаленанинг со-  
кин эҳтирослари». Сери-  
ал. 15.50 «30-да спорт».  
Сериал.  
17.00 Шоу соати. 18.00  
«Кўрсинқон». Сериал.  
19.00 «30-канал» да ринг  
қироллари. 19.45 Елена  
Степаненко шоуси. 21.00  
«Хайрли тун, кичкинтой-  
лар!». 21.15 «Ошиқона».  
Мусиқий дастур. 21.30  
«30-канал» кинооқшоми:  
«Ҳисоб бўйича никоҳ».  
23.40 «Сиреналар». Сери-  
ал.

**SHANBA**  
**«Ўзбекистон»  
телеканили**  
6.00 «Ассалом, Ўзбеки-  
стон!»  
8.00-8.35 «Ахборот».  
8.35 ТВ маркет.  
8.40 Газеталар шарҳи.  
**«Болалар сайёраси»:**  
9.00 «Озод юрт фарзанди-  
ман». Шоу дастур.  
10.00 «Зиё» студияси  
намойиш этади:  
«Этькирд мустаҳкамлиги  
йўлида».  
10.20 ТВ клип.  
10.30 «Олтин бешиқ».  
10.55, 13.55 ТВ анонс.  
11.00 «Қўшиғимиз сизга  
армуғон». Уктам Аҳмедов.  
11.25 ТВ-1 кинотеатри:  
«Ромео ва Жульетта».  
Бадий фильм. 1-қисм.  
12.30 «Долзарб мавзу».  
12.50 «Ромео ва Жульет-  
та». Бадий фильм. 2-  
қисм.  
14.00 «Маърифат».  
Телеальманах.  
**«Адабий жараён».**  
14.20 1. «Езувчи ва

замон». 2. «Шеър ва  
шуур». 3. «Мутолаа».  
15.05 «Яшил чироқ».  
Телемусобақа.  
15.35 «Ниройли ва ҳуқуқ  
инсонлар». Видеофильм.  
16.40 «Ягона оилада».  
17.10 Болалар учун.  
«Фламинго».  
17.30 «Бахтимизга омон  
бўлинг».  
17.50 «Рангин дунё».  
**«Болалар сайёраси»:**  
18.05 «Мўжизалар  
майдончаси». Телешоу.  
19.05 «Бу ажиб фасл».  
Телеальманах.  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00  
Эълонлар  
19.30 «Ахборот» (рус  
тилида)  
20.00 Оқшом эртақлари.  
20.15 FCN «Ўзбекистон  
янгиликлари» (инглиз  
тилида)  
20.30 «Ахборот».  
21.05 «Олтин дала».  
Пахтакорлар учун дам  
олиш дастури.  
21.40 Футбол бўйича  
Ўзбекистон чемпионати.

«Дўстлик» - «Трактор».  
22.30 «Ахборот-дайжест».  
**«Тунги ёғду». Дам олиш  
дастури:**  
22.50 УТВ экраннда илк  
маротаба: «Шерлок Холмс  
ва доктор Ватсоннинг  
саргузаштлари». Бадий  
фильм. 1-қисм.  
23.55-24.00 Ватан тиссол-  
лари.  
**«Ёшлар»  
телеканили**  
7.55 Кўрсатувлар дастури.  
8.00 Давр тонги.  
9.00 «Янги авлод» студияси:  
«У ким? Бу нимма?»  
9.20 Болалар клуби.  
9.40 Табобат оламида.  
10.00 «Давр»-репортаж.  
10.10 Мусиқий лаҳзалар.  
10.20 «Эсмеральда».  
Телесериал.  
10.50 Аср қиёфаси.  
11.10 Ринг қироллари.  
12.10 Ёшлар овози.  
12.30 Мусиқий дастур.  
12.45 «Скарлетт». Кўп  
қисмли бадий фильм. 3,  
4 қисмлар.  
14.20 Дунё ахойиботлари.  
14.40 «Ёшлар» телеканили-  
да спорт: Теннис.  
15.20 «Рамаёна». Телесериал.

15.55 Кўрсатувлар дастури.  
16.00 «Янги авлод»  
студияси: «Бўш ўтирма».  
16.20 «Гуллар шаҳри».  
Мультфильм.  
16.45 ТВ-саёҳат.  
17.05 Саломатлик сирлари.  
17.25 Футбол плюс.  
17.45 «Хуш келибсиз!»  
18.15 Юлдузлар чехраси.  
18.35 Каталог.  
18.45 Оқшом наволари.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 Давр.  
19.35 Ёшлик наволари.  
19.50 Бизнес-академия.  
20.05 Оҳанрабо.  
20.35 Кутилмаган меҳмон.  
20.55, 21.45, 22.35  
Эълонлар  
21.00 «Скарлетт». Кўп  
қисмли бадий фильм. 5-  
қисм.  
21.50 Олтин мерос.  
22.00 Давр.  
22.40 Тунги тароналар.  
22.50 Ўзбекистонда Япония  
маданияти кунлари.  
«Сейонара». Бадий  
фильм.  
1.10-1.15 Хайрли тун!

**«Тошкент»  
телеканили**  
17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 «Мультчархалак».  
17.40 «Жаҳон географияси».  
18.10, 19.40, 21.40  
«Экспресс» телегазетаси.  
18.30 «Тошкент ва тошкент-  
ликлар».  
18.50 «Мусиқий лаҳзалар».  
19.00 «Пойтахт». Шанбадан-  
шанбагача (рус)  
19.20 «Хусусийлаштириш:  
қадам-бақадам».  
20.00 «Табриқлаймиз-  
кутлаймиз».  
21.20 «Спорт-клуб».  
22.00 Кинонигоҳ «Саргу-  
зашт излаб».  
23.35-23.40 «Хайрли тун,  
шаҳрим!»  
**«Халқаро»  
телеканили**  
9.00 Кўрсатувлар тартиби.  
9.05 «ТВ-4да мусиқа».  
9.10 «Лаззат».  
9.30 Е. Петросяниннинг «Кулгу  
панорамаси».  
10.10 «CFЯ янгиликлари».  
10.20 «Мультсеанс».

10.40 «Экран эйнати ва  
қиймати».  
11.05 Болалар соати:  
«Руслан ва Людмила».  
Бадий фильм.  
12.35-13.35 Дўстлик  
видеоанали: «Немис  
шаҳри», «Бизнен мирас»,  
«Чинсен».  
16.25 Кўрсатувлар тартиби.  
16.30 «Йил қўшиқлари».  
Куз.  
17.00 «Янгиликлар».  
17.15 «Йил қўшиқлари». Куз  
(давоми)  
18.20 «Ҳазил кетидан  
ҳазил». Ҳажвий кўрсатув.  
19.00 «Ким миллионер  
бўлишни истайдиган?»  
Телеуйин.  
20.00 «Время».  
**Тунги канал: «Хали кеч  
эмас»**  
20.30 «Шяггер».  
20.45 «Моданинг гўзал  
дунёси».  
21.00 «Кўнгил-кўнгилга  
пайванд».  
21.30 «Эслайсизми».  
21.40 «Икки ёқлама зарба».  
21.55 «Хит-парад».  
22.10 «Вояж».  
22.20 «Юлдуз билан тунги  
учрашув».  
22.30 «Яшаш воситаси».

22.45 «Тунги навбатчи-  
лик».  
23.00 «Муз зона».  
23.15 Киносанс:  
«Танишинг: Жо Блек».  
Бадий фильм.  
2.05 «Ахборот» (рус  
тилида)  
2.40 «Тунингиз осуда  
бўлсин!»  
**30-КАНАЛ**  
9.00 Дастурнинг очили-  
ши. 9.05, 17.40, 20.35 —  
«Телехамкор». 9.30 «Сув  
париси». Мультсериал.  
10.00 Болалар учун  
фильм. 11.30 «Филимонов  
ва компания». Юмор дас-  
тури. 12.00 Оилавий кино.  
«Оталар». 13.40 Бокс  
ишқибозлари учун. 14.30  
Ҳинд киноси: «Жиноятчи  
муҳаббати». 16.40 «Яши-  
рин камера билан». Юмор  
дастури. 17.00 «Ўз уйи-  
ни». Телешоу. 18.10 «30-  
канал» кинооқшоми: «Аёл  
тангоси». 19.50 «Ошиқона».  
Мусиқий дастур. 20.00  
«Вовочка». Сериал.  
21.00 «Қиёфа ўзгартирув-  
чининг изи». Сериал.  
21.55 «30-канал» кинооқ-  
шоми: «Александр Не-  
вский ёлчиғи». 0.15  
Мусиқий дастур.

**YAK SHANBA**  
**«Ўзбекистон»  
телеканили**  
6.00 «Ассалом, Ўзбеки-  
стон!»  
8.00-8.35 «Ахборот».  
8.35 «Камалак». Болалар  
учун кинодастур.  
9.10 «Ғаройибот».  
9.30 «Ака-ука Гримм  
эртақлари». Мультфильм.  
10.00 «Ватанимга хизмат  
қиламан».  
11.00 «Она меҳри».  
11.20 ТВ анонс.  
11.25 «Мумтоз наволар».  
11.45 Болалар учун.  
«Мактублар кабутарлари».  
12.15 ТВ-1 кинотеатри:  
«Ҳаётда ҳамма нарса  
бўлади». Бадий фильм.  
1-қисм.  
13.40 «Мўжизалар  
майдончаси». Телешоу.  
14.40 «Қалб гавҳари».  
15.00 «Қуйла ёшлиғи».

15.20 «Ҳаётда ҳамма нарса  
бўлади». Бадий фильм.  
2-қисм.  
16.55 ТВ клип.  
**«Болалар  
сайёраси»:**  
17.05 1. «Олтин тоқ».  
Телевизион уйин. 2.  
«Улғайиш поғоналари».  
18.05 «Талабалик йилла-  
ри».  
18.25 «Тўртинчи ҳоқимият».  
18.45 «Оқ олтин». Телелоте-  
рея.  
19.15 Бир жуфт қўшиқ.  
19.25, 20.00, 20.25, 21.10  
Эълонлар  
19.30 «Таҳлилнома» (рус  
тилида)  
20.05 Эстрада тароналари.  
20.30 «Таҳлилнома».  
21.15 «Яқшанбада Сиз  
билан бирга».  
**«Яқшанба  
кинозал»:**  
21.50 «Кино оламида».

22.20 «Ўзбекистон»  
каналида илк маротаба:  
«Шерлок Холмс ва доктор  
Ватсоннинг саргузаштла-  
ри». Бадий фильм. 2-  
қисм.  
23.25-23.30 Ватан тиссол-  
лари.  
**«Ёшлар»  
телеканили**  
7.55 Кўрсатувлар дастури.  
8.00 Давр тонги.  
9.00 «Янги авлод» студияси:  
«Уй вазифаси».  
9.20 «Мульттомоша».  
9.35 Футбол плюс.  
9.55 Ошл дастурдон.  
10.10 Мусиқий лаҳзалар.  
10.20 «Заковат» интеллектуал  
уйини.  
11.35 Аскар мактублари.  
11.55 Нокаут.  
12.20 Чемпион сирлари.  
12.40 «Марслик кадрдо-  
ним». Бадий фильм.  
14.10 Қушлоқдаги тенгдо-  
шим.  
14.30 «Экспедиция».

Ҳужжатли сериал.  
15.20 Олтин мерос.  
15.25 «Рамаёна». Телесери-  
ал.  
16.00 Спорт хафтаномаси.  
16.15 Кўрсатувлар дастури.  
16.20 «Янги авлод»  
студияси: «Катта танаф-  
фус».  
16.40 Болалар клуби.  
17.00 «Учинчи сайёра»  
маърифат дастури.  
17.50 Олуи.  
18.15 Синфдош.  
18.40 Оқшом наволари.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 «Давр»-news.  
19.15 Кўрна оҳанглар.  
19.25 Маслаҳат.  
20.00 Ёшлик қўшиқлари.  
20.20, 21.10, 22.30  
Эълонлар  
20.25 «Скарлетт». Кўп  
қисмли бадий фильм. 6-  
қисм.  
21.15 «Зинама-зина».  
21.45 Олтин мерос.  
22.00 «Давр» ҳафта ичиди.  
22.35 Тунги тароналар.

22.45 «Ёшлар» телеканили-  
да премьераси: «Ишқ  
бошқа, ҳаёт бошқа».  
Бадий фильм.  
00.15-00.20 Хайрли тун!  
**«Тошкент»  
телеканили**  
17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 «Эртақларнинг сехрли  
олами».  
19.00, 20.30, 21.45  
«Экспресс» телегазетаси.  
19.20 «Жаҳон географияси».  
19.50 «Табриқлаймиз-  
кутлаймиз».  
20.50 «Телефакт».  
21.00 «Пойтахт шарҳи».  
21.25 «Ташриф».  
22.05 «Ҳамшаҳарлар».  
22.30 Кинонигоҳ «Мухаббат  
ракиси».  
00.10-00.15 «Хайрли тун,  
шаҳрим!»  
**«Халқаро»  
телеканили**  
9.00 Кўрсатувлар тартиби.  
9.05 «ТВ-4да мусиқа».

9.10 Д. Криловнинг «Йўлда  
ёзилмаган қайдлари».  
9.30 «Ҳамма уйдалигида».  
10.05 «Кайфият». Информа-  
цион-дам олиш дастури.  
11.05 «FCN». Ўзбекистон  
янгиликлари (инглиз  
тилида)  
11.15 «Мультсеанс».  
11.30 «Парле ву франсе?»  
11.55 «Хусусийлаштириш:  
қадам-бақадам».  
12.15-13.15 «Дўстлик»  
видеоанали: «Рангика-  
мон», «Дидар», «Айчурек».  
17.00 Кўрсатувлар тартиби.  
17.05 «Бинафша».  
17.25 «Ассалом, Франция!»  
17.40 «Бизнес мактаби».  
18.00 «Мусиқий серпантин».  
18.45 «Аншлаг».  
19.35 «Мозик-холл».  
20.05 «Н. Басков: Европада-  
ги дебют».  
20.35 «Тенгдошлар».  
21.05 «Олтин микрофон».  
21.35 «Менинг шаҳрим».  
21.55 «Кинопрофи».  
22.15 ТВ-4да премьераси:

«Насиба» Ҳужжатли  
фильм.  
22.55 «Таҳлилнома».  
23.30 «Тунингиз осуда  
бўлсин!»  
**30-КАНАЛ**  
9.00 Дастурнинг очили-  
ши. 9.05, 11.30, 17.45,  
20.35 «Телехамкор». 9.30  
«Сув париси». Мельтсери-  
ал. 10.00 Фильм - бола-  
ларга. 12.00 Оилавий  
кино. «Муму». 13.40 «Баф-  
фи». Сериал. 14.30 Кун-  
дузги кинозал. «Ҳеч нарса  
кўрмаялман, ҳеч нарса  
ашитмаялман». 16.10 «30-  
канал» да қизқаркли учра-  
шувлар. 17.00 «Ўз уйини».  
Телеуйин. 18.10 «30-ка-  
нал» кинооқшоми: «Нью  
Йоркда куз». 19.50 «Оши-  
қона». Мусиқий дастур.  
20.00 «Агентлик». Сериал.  
21.00 «Қиёфа ўзгартирув-  
чининг изи». Сериал.  
21.55 Яқшанба кинооқшо-  
ми: «Само остидаги жа-  
ҳанман». 00.30 Спорт  
шарҳи.

## Тарихнинг очилмаган саҳифалари

**Бой тарихий меросимизнинг кенг ўрганилиши, анъаналаримизнинг сақланиши маданият ва санъат, фан ва таълим ривожини билан узвий боғлиқдир.**

**Ислом КАРИМОВ.**

Паст-баланд бу тепаликларга баногоҳ қадам қўйишга иккиланасан, киши. Баланд қирғоқ ёнбағрида сопол ва бошқа ашёларнинг парчалари кўзга ташланади. Пастда Сирдарё сокин оқмоқда, майин мавжлари чошгоҳ қуёши нурларида жилваланиб турипти.

— Аждодларимиз шаҳарни бежиз шу жойга қуришмаган, — дейди Халқаро «Олтин мерос» жамғармаси Оққўргон туман бўлимининг раиси Иноятилла Мирзаев. — Сув билан ўралган катта хунармандчилик ва савдо-тижорат шаҳри ёғилларнинг баногоҳ хуружларидан аввало табиий тўсиқлар орқали ишончли муҳофазаланган.

Археологик қидирув ишларининг натижалари қадимги Бинқант шаҳри Сайхун қирғоқларида 227,5 гектар майдонни эгаллаганини тасдиқлайди. Қазилма ишлари мобайнида эра-миздан аввалги II-III ва эра-мизнинг XIV-XV асрларига хос сопол идишлар, шиша буюмлар, хунармандчилик ашёлари, қишлоқ хўжалик меҳнати қуроллари, омон, пайкон, қурол-яроғ, эгар-жабдук, мис тангалар, турли тақинчоқлар ва каштачилик буюмлари топилди. Археологик қазилмалар базиси тарихий манбаларда бу шаҳарда «Камони Шош» ўқлари ҳам тайёрланганини тасдиқлади. У ўз сифати, тигининг ўткирлиги билан машҳур бўлган.

— Қадимий бу шаҳарни археологик жиҳатдан ўрганиш 1983 йилдан бошланди, — тепаликдан янги боғ сари тушиб борар эканмиз, ҳикоя қилади Иноятилла ака. — Самарқанд Археология институтининг Шоҳруҳия гуруҳи Валерий Иванович Набоков раҳбарлигида иш олиб борган. Қазилма ишларида талабалар, туманимиз мактабларининг юқори синф ўқувчилари фаол қатнашган. 34-мактабда ўлкашунослик музейи ташкил этилиб, мингдан ортиқ экспонат тўпланган. Сопол хум ва бошқа буюмлар Оққўргон туман тарихий музейида ҳам намойиш қилинмоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Шоҳруҳияни археологик жиҳатдан ўрганиш яна ҳам жадал тус олди. Бу ишларни Темурийлар даври тарихий музейи директорининг ўринбосари, тарих фанлари номзоди Ўткир Алимов олиб борапти. Унинг дастлабки натижалари кўнра тарихимизнинг янги-янги қатларини очишга ёрдам бермоқда, лекин катта ҳажмдаги археология-қидирув ишлари ҳали олдинда.

Республикамиз ҳудудида жуда кўп бундай қадимий шаҳарлар борки, улар ҳозирги замон археологик талаби нуқтаи назаридан ёндошилиб текширилмаган. Албатта, бу ишга қанчалик тезроқ киришсак, ўтмишимизни шунчалик тез англашимизга имкон туғилиши шубҳасиз. Биргина қадимий Шош мамлакатининг кўнра шаҳарлари — Тункет ва Илок, Зангиота ва Чимагкент, Нукет ва Мингтепа, Қанқа ва Банокент, Кабарна, Мингўрик, Қулкартепа ва бошқа шаҳар ҳамда қалъалар шулар жумласидандир.

лон олим шундай ёзади: «Шу бобда (Ўнинчи боб) шаҳарларнинг узунлик ва кенгликларини ўз ичига олган жадвалларни кўрсатдим. Аввал уларни шаҳарларнинг бир-бирига нисбатан вазиятларига ва ораларидаги масофалар та-

диради. Шаҳарнинг мудофаа деворлари қайта тикланиб, бешта бурчагига соқчилар учун кузатиш миноралари қурилиб, чинакам ҳарбий қалъага айлантирилади.

Буюк ипак йўлини қайта тиклаш мақсадида савдосотик, хунармандчиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилади ва кенг йўл очиб берилди. Бозорлар ва дўконлар барпо этилиб, ишга туширилади. Шоҳруҳияда ўттиздан ортиқ сопол ва ғишт пишириш усталари, кўра ҳамда хумдонлар иш бошлаб, шаҳар қурилиши учун пишиқ ғишт етказиб бера бошлади. Шаҳар қадимги обод ва гажум ҳолатига қайтади. Археологлар у ердан топган сопол идишлар, мис, темир, қумуш ва тиллодан ясалган зебу-зийнат ва уй буюмлари буни тасдиқлайди.

Шоҳруҳиянинг атрофи сув билан ўралганлиги, аҳоли Сайхун дарёсида қайиқларда сузиб, балиқ овлаш билан ҳам машғул бўлганлигини қайд этиш жоиз. Сохибқирон бобомиз қадимий бу шаҳарнинг стратегик салоҳиятини, савдо-сотиқ ишларининг ривожланиши ва табиатан хушманзаралилиги каби қулайликларини ҳисобга олган ҳолда, шаҳарни қайта тиклашга фармон берганлиги ўз-ўзини маълум.

XV аср охирида Шайбонийхон томонидан Шоҳруҳияга жуда катта талафот етказилиб, суғориш иншоотлари вайрон этилади. Шундан сўнг шаҳар ўзини қайта тиклай олмайди.

Ҳозир сайёҳнинг кўз ўнгида оддий тепалик тарзида намойён бўлиб турган бу қадим қўргон ва қалъа қандай сир-синаотларни ўз бағрида пинҳон сақлаётган экан? — деган савол барчани ўйлантириб келапти. Мазкур шаҳар ва қалъаларнинг бағрида ота-боболаримиздан ёдгорлик бўлиб қолган қадимий маданиятимиз, санъатимиз ҳамда осори атиқаларимиз яширинган. Бу бебаҳо кўнра обидаларимизни пухта ўрганиб, бутун жаҳонга кўз-кўз қилишимиз учун давлатимиз кенг йўл бермоқда.

Вилоят ҳокимлиги, халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси вилоят бўлими ташаббуси ва саъй ҳаракати билан Шоҳруҳия очиқ музей деб эълон қилинди. Бир пайтлари Сохибқирон бобомиз фармонлари билан барпо этилган боғ қайта тикланмоқда. Шоҳ Мирқори авлиё (асли исми Саййид Нейматулло Валий) зиёратгоҳини ҳам тиклашга киришилди. Ушбу мажмуани қайта тиклаш ва ободонлаштириш ишларини туман ҳокимлиги, Султон Сегибозев номли ва «Ўзбекистон» ширкат хўжаликларининг раислари Абдулла Астракулов ва Эргаш Ниёзовлар ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашапти.

Биз, ниҳоят, ўз тарихимизни англаш, қадимий кадрларимизни тиклаш орқали ўзимизни идрок эта бошладик. Шоҳруҳия бунга янги бир туртки бермоқда. Очиқ осмон остидаги бу улкан музей аждодларимизнинг қутлуғ ишларидан гувоҳлик бериб, мамлакатимиз мустақиллигини ардоқлашда бизга куч-қувват бағишлаётир.

**Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,**  
**«Тошкент ҳақиқати»**  
**муҳбири.**

## ШОҲРУҲИЯ: КЕЧА ВА БУГУН

Оққўргон туманидаги Шоҳруҳия ҳудудида ташкил этилаётган музейни тиклаш ишлари кизгин давом этмоқда



Оққўргон тарихи эра-миздан аввалги минг йилликларга бориб тақалади. Лекин ёзма манбаалардан бу ҳақда аниқ маълумотларни топиш қийин, бу ҳақда узук-юлуқ хабарларнинг учратиш мумкин, холос. Иморату иншоотлар асосан лойдан ёки хом ғиштдан қилинган учун ашёвий далиллар ҳам деярли сақланмаган. Ўрта асрларга келиб, Оққўргон Шош воҳасининг гуллаб-яшнаган масканларидан бирига айланади ва бу ҳақда ёзма маълумотлар талайгина. Ёнг муҳими, ўша даврнинг жонли гувоҳлари харобалар шаклида бўлса ҳам бизнинг давримизгача етиб келган. Улар синчиклаб ўрганилиши қадим ўтмишимизнинг кўп саҳифаларига ойдинлик киритиши аниқ.

Ҳозирги Султон Сегибозев номли ширкат хўжалиги ҳудудида, киртепалар тагида «сирли сандиқ» бўлиб ётган кўнра Банокат туркий халқларнинг Буюк ипак йўлидаги Афросиёб, Кубо, кўнра Урганч, Хива, Бухоро ва Чоч сингари маданият, савдо-сотиқ марказларидан бири бўлганлиги тарихий манбаларда қайд қилинган. Абу Райҳон Беруний «Қадимий халқлардан қолган ёдгорликлар» асарига таъкидлашча: «Барча мамлакатларга тарқалган халқларнинг ҳар бирининг алоҳида тарихи бор». Кўриниб турибдики, тарихдан жуда кўп нарсани ўрганиш мумкин. Улуғ аллома 1037 йилда ёзган «Қонуни Маъсудий» асарига Банокат ҳақида ва бошқа шаҳарлар, қалъалар, ороллар ҳамда денгиз портларига маълумот бериб, қайси вилоят қайси мамлакатга тегишли эканлигини ўз жадвалида кўрсатган. Китобнинг 28 бетини эгаллаган ушбу жадвалда, жойларнинг узунликлари ва кенгликларини замонларда, минутларда ва даражаларда кўрсатиб берган. Бу ҳақда бобока-

қозосига қараб тузатишга аввалги минг йилликлардан кўчирмадим». Кўриниб турибдики, улуғ олим жадвалга киритган шаҳар ва қалъаларни муфассал ўрганиб, сўнг қоғозга туширган.

Жадвалда Банокат Шош мамлакатига қарашли эканлиги кўрсатилиб, узунлиги 89 замон 50 минут, кенглиги 41 даража 10 минут дейилган. Унга ёнма-ён қўйилган Бинқантни (Тошкент XI асргача шу ном билан аталган) Шошнинг маркази, туркийда Тошқанд, юнончада Тош қалъа, деб юритилиши қайд этилганини кўрамиз. Қадимда ота-боболаримиз макон қуриб, яшаб келган жойлар Чоч, Шош, Тош қалъа, Бинқант, Мингўрик каби номлар билан юритилиб келиниб, XI асрдан бошлаб, Марказий Осиёнинг кўрки ҳисобланган Тошкент деяр аталган азим шаҳарни бугунги кунда мустақил Ўзбекистоннинг сўлим маркази сифатида бутун олам билади.

Авлодлар, боболар ўрнини зурриёдлар эгаллаб, уларнинг бошлаган ишларини давом эттириб, ўз номлари билан иш юритдилар. Шаҳарлар ҳам даврлар ва асрлар ўтиши жараёнида баъзан гуллаб-яшнаб, катталашиб, баъзан инқирозга юз тутиб турган. Шоҳруҳия ҳам илгариги асрларда Бинқант, Бинокат, Фанокат ва кейинчалик Банокат деб аталган.

Банокат шаҳри 1219 йилда Чингизхон қўшинлари томонидан вайрон этилади. Буюк саркарда бобомиз Амир Темур 1392 йили Банокатни қайта тиклашга киришиб, суякли ўғли Шоҳруҳ номи билан шаҳарни Шоҳруҳия деб атайди. Сохибқирон Самарқанддан бинокор усталарни, Фарғона водийсидан миришкор деҳқонларни, туркистонлик, илоқлик хунармандларни кўчириб келтириб, шаҳар атрофида улар учун турар жойлар қур-

## ХАЛҚАРО СИМПОЗИУМ

**Ўзбекистон ва Япония муносабатлари барча жаҳонда, жумладан, қонунчилик ва ҳуқуқ соҳаларида ҳам тобора кенгаймоқда. Хусусан, бу борада Тошкент давлат юридик институти Япониянинг Нагоя университети билан яқиндан ҳамкорлик қилаётир.**

Ўтган йили Нагоя шаҳрида ўзбек ва япон олимлари ташаббуси билан йирик халқаро симпозиум ўтказилган бўлса, шундай анжуман энди Тошкентда ўз ишини бошлади.

Тошкент давлат юридик институти ҳамда Япониянинг Нагоя университети, Кункиқар мамлакатнинг юртимиздаги элчихонаси, «JICA» ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган «Ўзбекистон ва Япониянинг одат ҳуқуқи. Қонунчиликни такомиллаштириш муаммолари» мавзудаги халқаро илмий симпозиумда мамлакатимиздаги кўплаб олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, шунингдек, халқаро ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этяпти.

**Беҳзод НОРБОЕВ,**  
**ЎЗА муҳбири.**

## Террорчилик — тараққиёт душмани

**Тошкент Давлат маданият институтида шу мавзудаги конференция бўлиб ўтди. Унда сиёсатшунослар, жамоатчилик ва ёшлар вакиллари иштирок этди. Анжуман Республика «Маънавият ва маърифат» маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди.**

Конференцияда сўзга чиққанлар Президентимиз мустақилликнинг дастлабки йилларидан кўп бор жаҳон ҳамжамияти эътиборини халқаро террорчилик хавфи қаратгани ва БМТ Бош Ассамблеясининг сессияларида, ЕХХТ саммитида, ўз нутқлари ва асарларида бу ёвуз кучга қарши курашиш бўйича қатор амалий тақлифларни илгари сурганини таъкидлади. Шунингдек, 2000 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг террорчиликка қарши кураш тўғрисидаги қонуни мамлакатимизда бу хавфнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этаётганлигига эътибор қаратилди.

**Э.ХОЛИҚОВ,**  
**ЎЗА муҳбири.**

Пскент туманидаги 5-ўрта мактаб томонидан 1999 йилда Эргашева Дилфуза Даробовна номига берилган OR-«А» 621273 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли  
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент политехника институти томонидан 1976 йилда Адыл Алимович Акилов номига берилган, № 878158 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли  
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Хидоева Дильдора Азимовна номига берилган, № 0115857 рақамли, яқна тартибдаги тadbirkor гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли  
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Барча манфаатдор шахс ва кредиторлар диққатига! «Ўзбектўқимаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳузурдаги «Тўқимаш-Бутлаш» шўъба корхонаси  
**ТУГАТИЛАДИ.**

Барча давволар Тошкент шаҳри, Усмон Носир кўчаси, 53 «Б»-уйда мазкур эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой давомида қабул қилинади. Тел: 53-63-36.


Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туманидаги «SANTEXMASH» ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти ОКПО № 1810734  
**ТУГАТИЛАДИ.**

Давволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида Уста Ширин кўчаси, 125-уйда қабул қилинади. Тел: 48-78-52.

# XXI asr va dunyo

Mamlakatlar  
Odamlar  
Voqealar  
G'aroyibotlar

Eng  
so'nggi  
xabarlar



## ЖИНОЙ ИШ ҚЎЗГАТИЛДИ

Россияда зобитлар томонидан калтакланиб, ғурра орттирган олти аскар 48 қуролдошни эргаштирганича ҳақиқат излаб йўлга тушди. Бир ярим кеча-кундуз пиёда юриб, 54 ҳарбий хизматчи Волгоград шаҳрига етиб борди. Ҳарбий прокуратура айбдор зобитлар устидан жиноий иш қўзғатди.

## НАТО ҲАМ ХАБАРДОР БЎЛАДИ

Латвия Республикаси АҚШнинг «Локхид Мартин» концернидан 8 миллион доллар турувчи радар ускунасини сотиб олди. У 450 километр масофани назорат қилиш имконини яратади. Унинг кузатишлари натижаларидан НАТО ҳарбийлари ҳам хабардор бўлиб боришади. Бу ҳолат Россия томонининг норозилигини кучайтириб юборди.

## БИР ФОИЗИ – ЎН УЧ МИЛЛИОН...

Хитойда аҳолининг йиллик кўпайиши 1,07 фоизни ташкил этмоқда. Бу аҳоли ҳар йили 13 миллион кишига кўпаймоқда, демакдир. Ҳозир Хитойда 1,3 миллиард киши яшайди.

## ПАРЛАМЕНТ ЎЗ СЎЗИНИ АЙТДИ

Ниҳоят, икки йиллик «танаффус»дан кейин Фаластин қонун чиқарувчи кенгаши кўпларни лол қолдирган қарор қабул қилди. Рамаллоҳда ўтган мажлисда парламент аъзоларининг учдан икки қисми маъмурият раҳбари Ясир Арофат таклиф қилган ҳукумат таркибига қарши овоз берди. Депутатлар маъмуриятни тубдан янгилашни талаб қилиб чиқишди. Ясир Арофат икки ҳафта ичида маъмуриятнинг янги таркибини депутатлар муҳокамасига тақдим этиши керак.

## «АЛ-ҚОИДА»НИНГ БИР ГУРУҲИ ЯКСОН БЎЛДИ

Карачида террорчилар куч билан банд қилиб турган бино Покистон полицияси томонидан эгалланди. Шиддатли ҳужум муваффақиятли якунланди. Икки нафар террорчи нобуд бўлди, беш нафари асир олинди. Жанг уч соат давом этди. Олти нафар полициячи ҳам яраланди. «Рейтер» агентлиги террорчилар «Ал-Қоида» экстремистик гуруҳига мансуб бўлганлигини хабар қилди.

## ЖАБРАДИДАЛАРГА ҲУКУМАТ ЁРДАМИ

АҚШ ҳукумати ўтган йили 11 сентябрь фожеасида қурбон бўлганларнинг қариндош-уруғларига товон тўлашни бошлади. Дастлабки маълумотларга қараганда, бу ҳақдаги ҳужжатлар 25 кишига расман жўнатилган.

Ҳозиргача АҚШ адлия вазирлигига фожеа қурбонлари қариндорларидан товон пули сўралган 662 ариза тушган. 11 сентябрда амалга оширилган қўпуровчилик натижасида эса уч минг уч юз киши қурбон бўлган. Биргина Нью-Йоркдаги Жаҳон савдо марказида юз берган портлаш оқибатида 2825 киши ҳалок бўлган.

Нью-Йорк шаҳри мэри Жаҳон савдо марказидаги портлашда ҳалок бўлганларнинг аниқ сонини эълон қилди. Ушбу маълумотда рўйхатнинг демографик таркиби, қурбонларнинг ёши ва туғилган жойи ҳам маълум қилинган. Унга биноан, қурбон бўлганларнинг қарийб 98 фоизи қариндош-уруғлари томонидан тасдиқланган. Уларнинг 98 фоизи шу ерда ишлаган, 1127 киши мазкур шаҳарда истиқомат қилган. 500 киши Нью-Йорк штатидан бўлган, 905 нафари эса қолган йигирмата штат аҳолиси вакиллари эди. Қурбонлар орасида хорижликлар ҳам кам эмас.

## ШВЕЙЦАРИЯ – БМТНИНГ ЯНГИ АЪЗОСИ

Нью-Йоркда Швейцарияни БМТга расмий қабул қилиш маросими бўлиб ўтди. Икки юз йил давомида ушбу давлат бетарафлик мақомини сақлаб келганди. Мамлакат раҳбариятининг билдиришича, БМТ Швейцария учун муҳим аҳамият касб этадиган ташкилотга айланган.

Швейцария халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича марказ ҳисобланади. Уни БМТга қабул қилиш маросимида иштирок этган беш қўшни давлат вакиллари Швейцариянинг айна хусусиятини яна бир бор таъкидлади.

Бундан ташқари, энг йирик халқаро ташкилотлар аксариятининг бош қароргоҳлари ушбу мамлакат ҳудудида жойлашган. Женеванинг ўзида БМТнинг Европа қароргоҳи фаолият кўрсатмоқда. Шунинг учун ташкилот билан бевосита мулоқотга киришиш Швейцария учун муаммо бўлмади.

16 йил аввал бўлиб ўтган референдумда швейцарияликларнинг 75 фоизи мамлакатининг БМТга аъзо бўлишини хушламаган эди. Жорий йилнинг март ойида ушбу масалада яна умумхалқ сўрови ўтказилди. Унда мамлакат аҳолининг кўпчилиги Швейцариянинг БМТга аъзо бўлишига хайрихоҳлик билдирди.

БМТга аъзо бўлиш ҳақидаги аризани ҳукумат июль ойида топширганди. Ташкилот мутасаддилари Швейцария ҳукуматини узоқ куттирмади. Мамлакат ассамблеяда бир овоздан БМТга қабул қилинди.

Ушбу воқеа муносабати билан мамлакат президенти Каспар Виллигер Швейцария аҳли "оролда яшамасганини" ниҳоят англаб етганини алоҳида таъкидлади. Унинг айтишича, мамлакат БМТ аъзоси сифатида ҳам бетарафлик мақомини сақлаб қолади. Чунки, президентнинг фикрича, халқаро миқёсдаги муҳим сиёсий муаммоларни ҳал этишда бетарафлик мақоми кўл келади.

Авваллари Швейцария БМТ кенгашларида кузатувчи сифатида иштирок этарди. Энди БМТга аъзоллик унга Бош ассамблея раҳбарлигига сайлаш ва сайланиш, турли резолюциялар таклиф қилиш ҳуқуқини беради. Бироқ айрим халқаро кузатувчилар БМТ фаолиятида Швейцариянинг деярли таъсири бўлмаслигини баъшорат қилмоқда.

Швейцарияликлар ўз мамлақати энг катта халқаро ташкилотнинг бир бўлагига айланганини оддий ҳолдек қарши олди. Уларнинг фикрича, дабдабали дастурлардан кўра тезроқ амалий ишларга кўл урган маъқул. Маълумотларга кўра, ҳозиргача БМТ таркибига Ватикан билан Фаластин мухторияти киргани йўқ. Яқинда мустақилликка эришган Шарқий Тимор эса сентябрь охирида БМТнинг 191-аъзосига айланади.

Шаҳноза МАТНАЗАРОВА,  
ЎзА шарҳловчиси.



Англия. Лондоннинг кўприкларидан бири.

## ИШҚИБОЗЛИК ЭВИ БИЛАН-ДА

Қоҳирада яшовчи 78 ёшли мисрлик Мустафо Самединни оламнинг бир мўъжизаси дейиш мумкин. 1947 йилдан бери у... 203 марта уйланишга улгурди. Шу билан биргаликда бу одатини бас қилмоқчи эмас. Ахир дунёда гўзал аёллар ҳам кўп-да.

## СУВ ОСТИДА ВИСОЛ ТУНИ

Осмонда ва сувда никоҳдан ўтиш баъзи мамлакатларда русумга айланиб бормоқда. Бу борада Малайзиядаги бир никоҳ агентлиги жуда топқир чиқиб қолди. Яқинда у янги хизмат тури — сув остидаги биринчи висол тунини таклиф қилди. Ҳа, бунақаси умр бўйи эсдан чиқмас керак.

## КЕЛАЖАККА МАКТУБ

Олимлар дунёнинг барча халқлари вакиллари ёзган мактубни келгуси авлодларга сунъий йўлдош орқали етказмоқчи. ЮНЕСКОнинг "XXI аср лойиҳаси" дастури доирасида учирладиган сунъий йўлдош режага кўра ана шу хайрли юмушни бажариши керак. Бироқ ерликлар юборган мактуб манзилга 50 минг йилдан кейин етиб борар экан.

Олимларнинг таъкидлашича, фазовий қурилмага ўрнатиладиган компьютер замондошларимизнинг олти миллиарддан ҳам кўпроқ мактубини сақлай олади. Ким келажакка мактуб ёзишни истаса, тўрт саҳифага ўзининг фикрини, тилакларини битиши керак. Мактублар электрон ҳисоблагич машинада қайта ишланиб, йўлдош хотирасига жойланади. Режага кўра, сунъий йўлдош 500 аср ўтганидан кейингина мактубларни ўз манзилига етказиши керак. Оғирлиги 100 килограммга тенг кела-

диган бу қурилмани Франциянинг "Ариан" ракетаси фазога олиб чиқмоқчи. Европанинг ўнлаб йирик компаниялари биргаликда амалга оширмоқчи бўлган мазкур лойиҳага кетадиган харажат ҳозирча 50 миллион АҚШ доллари миқдорида баҳоланяпти.

Олимларнинг ушбу ташаббусига хиндистонликлар каби бошқа мамлакат фуқаролари ҳам фаол қўшилса, йўлдошга 181 мамлакатдан 60 тилда ёзилган мактублар жойланади. Инсоният қурраи замин цивилизациясини йўқ қилиб юбормаса, сайёрамиздаги ҳаёт 50 минг йилдан кейин ҳам давом этаверади, демоқда олимлар. Шундай экан, замондошларимиз қолдирган мактубни 500 асрдан кейин яшайдиган ерликлар жуда катта қизиқиш ва хайрат билан ўқиб, керакли хулосалар чиқариши ва турмушини таҳқир этиши шубҳасиз.

## Энг... ...МУРАККАБ ТИЛ

\* Доғистоннинг Табасаран ва Хив районлари аҳолиси сўзлашадиган табасаран тилида дунёдаги энг кўп келишиклар мужассамлашган. Бу мураккаб тилда ҳозирги кунда 73,1 минг киши сўзлашади.

## ...ҚАДИМГИ ДОРИЛФУНУН

\* Дунёда энг қадимги дорилфунун 989 йилда Мисрда очилган Аль-Азхардир. Уша пайтдаёқ унда математика, астрономия ва география каби фанлар ўқитилган.

# «КЎРМАГАНЛАР АРМОНДА ҚОЛИШДИ»

дейишмоқда халқаро турнир мусобақаларини мириқиб томоша қилган теннис мухлислари

Ҳақиқатан ҳам ҳар куни эринмай, «Юнусобод» кортларига ташриф буюрган юзлаб спортсевар ҳамюртларимиз бири-биридан чиройли ва шиддатли, кутилган ва кутилмаган натижаларга бой бўлган юксак савиядаги теннис мусобақаларидан олам-олам завқ олдилар. Муболағасиз айтиш мумкинки, анъанавий «Президент кубоги» турнири йилдан-йилга тобора кўпроқ манамен деган теннисчиларни ўзига ром этиб, «Юнусобод» кортларида куч синишига ундамоқда. Бу йилги турнирда жаҳоннинг 20та мамлакатидан 32 нафар энг сара катта ракетка усталарининг Тошкентда жамулжам бўлганлиги ана шу фикримизнинг исботидир.

Шуниси диққатга сазоворки, «Президент кубоги» халқаро турнири анъанага айлангандан



буён ўтган тўққиз йил давомида мамлакатимизда ушбу сеvimли спорт тури беқийс ривожланди ва Ўзбекистондан ташқарида ҳам номлари маълум бўла бошлаган маҳоратли теннисчилар етишиб чиқди. Ана шундай ватандошларимиздан бири бўлган Вадим Куценко бу йилги турнирда анча муваффақиятли иштирок этди. У биринчи турда исроиллик Ноам Оқунни мағлуб этган бўлса, кейинги сафар хорватиялик таниқли теннисчи Иван Лубичич билан тенгма-тенг беллашди. Хатто ҳал қилувчи учинчи сетда ғалабага жуда яқинлашиб борди ҳам. Аммо Лубичич тажриба жиҳатидан бироз устунлик қилиб, учрашувни ўз фойдасига ҳал этди. Албатта, навбатдаги турда жаҳоннинг энг кучли тен-

нисчиларидан бири бўлган россиялик Марат Сафиннинг таиландлик истеъдодли теннисчи Парадорн Шричафандан мағлубиятга учраши ҳам кутилмаган ҳолат бўлди. Шунга айтсалар керак-да, спорт башоратни тан олмайди, деб.

Кеча барча рақибларини енгиб, ярим финалга чиққан Евгений Кафельников, Давид Сангинетти, Владимир Волчок ҳамда Парадорн Шричафан финалга йўлланма олиш учун курашни давом эттирдилар. Бугун кечкурун бўладиган финал учрашувида турнирнинг бош соврини — «Президент кубоги» соҳиби маълум бўлади.

Бир ҳафта давом этиб, катта теннис байрамига айланиб кетган «Президент кубоги» турнири бугун тантанали суръатда ёпилади.

Ўз мухбиримиз.

## «Осиё суперлигаси — 2002»

### «ПАХТАКОР» ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАДИ

Бу йилдан бошлаб Осиё чемпионлар кубоги ва кубок эгалари кубоги мусобақалари ўрнига Осиё супер лигаси баҳслари ўтказилмоқда.

Жумладан, «Пахтакор» жамоаси Иорданиянинг кучли клубларидан бири «Ал-Викрад»ни қабул қилди. Майдон эгалари ўйиннинг дастлабки дақиқаларидан фаол ҳаракат қилиб, ташаббусни ўз қўлларига олган бўлсалар, меҳмонлар ҳам бунга келмай, қарши ҳужумлар уюштирдилар. Учрашувнинг бош ҳақами Аллаберган Сафоев (Туркменистон) дарвозабон пахтакорчилар ҳужумчисига қарши кўпол ҳаракат қилганлиги учун меҳмонларни ўн бир метрлик жарима тўпи билан жазолади. Гоҷули Гоҷулиев ўн бир метрлик жарима тўпини аниқ бажариб, ҳисобни очди. Меҳмонлар Миржалол Қосимовга нисбатан кўполлик қилганликлари

учун бир ўйинчидан маҳрум бўлдилар. Ҳақам қоидабузарни майдондан четлатди. Танаффусдан сўнг ҳам майдон эгаларининг устунлиги сезилиб турди. Сервер Жеперов ҳисобни 2:0га етказди. Учрашув тугашига саноқли дақиқалар қолганда Зайниддин Тожиев шерикларининг қанотдан оширган тўпини боши билан дарвозага йўллаб, учрашувга нуқта қўйди.

Жавоб учрашуви икки ҳафтадан сўнг Иорданияда бўлиб ўтди. Икки учрашув натижасига кўра голиб аниқланди. Уйланишмики, пахтакорчилар кўлга киритилган йирик ғалабадан сўнг ўз мавқеларини бериб қўймайдилар ва кейинги босқичга чиқадилар.

Талъат ЮСУПОВ.

## СПОРТИМИЗ ИСТИҚБОЛИ

болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида таҳсил олаётган умидли ёшларимиз кўлида

Тошкент туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабида бу йил турли тоифадаги мусобақаларда мамлакатимиз спорт шарафини муносиб ҳимоя қилган иқтидорли ёш спортчиларни шарафлаш маросими ўтказилди. Ушбу тадбирга Ўзбекистон, Осиё, жаҳон универсиадаси ҳамда қатор халқаро мусобақаларнинг голиб ва совриндорлари бўлган 14 нафар ёш спортчилардан ташқари уларнинг мураббийлари, спорт мактаблари директорлари, туман қасаба уюшмалари спорт жамиятлари раҳбарлари тақлиф этилди.

Вилоят қасаба уюшмалари кенгаши раиси, қасаба уюшмалари спорт жамиятлари бошқаруви раиси Муҳайе Тўлаганова ушбу маросимда болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ўқувчилари 2002 йилда эришган ютуқлар ҳақида сўзлади. 2002 йили Осиё биринчилиги голиби, тазквондочи Шаҳноза Шўхратжонова, жаҳон универ-

сиадаси совриндори, оғир атлетикачи Алишер Мамбетов, халқаро турнир голиби, дзюдочи Эгамназар Акбаров каби умидли спортчилар номини меҳр билан тилга олди. Спорт мактабларининг 14 нафар ўқувчисига қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

Ушбу шарафлаш маросими яқинда Кореянинг Пусан шаҳрида бўлиб ўтадиган Осиё ўйинлари арафасида ташкил этилгани айтиш мумкин бўлди. Кўрсатилган иззат-эътибор ёшларнинг кайфиятини кўтариб, янги ғалабаларга руҳлантирди. Маросимда сўзга чиққан спортчилар бўлажак Олимпиада ўйинларида голиблик шохсупасига кўтарилиб, Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилиш учун бор куч ва маҳоратларини намойён этажакларини маълум қилдилар.

Ўз мухбиримиз.

## «Ҳаракатланувчи мум ҳайкаллар»

Ўзбекистон Давлат санъат музейида шундай деб аталган кўргазма очилди. Бу анъанавий экспозиция музейида иккинчи бор намойиш этилмоқда.

Кўргазмада ўттиздан ортиқ мумдан ясалган ҳайкаллари кўриш мумкин. Улар Санкт-Петербург шаҳри Марказий музейи томонидан тақдим этилган.

Кўргазмада Моцарт, Бетховен сингари тарихий шахс-манекенлар, замонавий рок мусиқа юлдузлари ҳамда кўпгина машҳур кишилар билан танишиш мумкин. Шуниси диққатга сазоворки, кўргазма Швеция, Норвегия, Финляндия, Болтиқбўйи мамлакатлари ва бошқа давлатларда катта муваффақият билан намойиш этилган.

(ЎЗА).

### МУНИС МАҲБУБ ТОПГАНМИСАН?

Мен каби бир гўзалга термулиб боққанмисан,  
Пок тилак, эзгу наятда ишқ ўтин ёққанмисан?

Севги гулшанидан турфа гуллари териб,  
Бир дилрабоининг кўркам кўксига таққанмисан.

Бўйларидан ўрғилиб, ҳусни-жамолига тўйиб,  
Оғушида тўлғониб, дилбар кўнглига ёққанмисан?

Ишқнинг юки оғир, йўлларидан машаққат кўтириб,  
Сабр бардош билан ишқ дарёсида оққанмисан?

Ҳажрон, фироқ, аразларни қолдираб доғда,  
Санам дилда савоқат чиройин ёққанмисан?

Дилбар ишончин оқлаб, ишқини пилҳон сақлаб,  
Ёр меҳрини бошига тож қилиб таққанмисан?

Вафо бўлиб, аҳд-паймон эшигин қоққанмисан,  
Ё бир беибо ортидан ҳовлиқиб, чопганмисан?

Муҳаббатдан топиб ҳаловат, фароғат, роҳат,  
Ишқий каби меҳрибон ёр,  
мунис маҳбуб топганмисан?

### ИСТАРМАН

Булул гул истар, мен гулистон истарман,  
Меҳрибон ёр, мунис жонон истарман.

Жонон бўлса сулув, одоби зебо,  
Яна дилдор, жонимга жон истарман.

Тонгда сабо келтирар ажиб наво,  
Мен — сархуш, дардимга дово истарман.

Майли, санам қилса-қилсин, қанча жафо,  
Гўзал ёрдан фақат вафо истарман.

Нигоро, аразинг бошимга дурра,  
Бевафога оғир жазо истарман.

Ҳажрону фироқни қолдирса доғда,  
Ошиқларга юксак баҳо истарман.

Агар бўлса ҳусн, ақд-заковати гўзал,  
Ёрга содиқ, ишққа фидо истарман.

Ишқий, ёринг баркамол, соҳибжамол,  
Унинг умрига доим дуо истарман.

### Шеъринат

#### НОЗ БИЛАН

Бир позанин кўнглимни олади ноз билан,  
Ўрғилиб, ҳолимни сўрди хушовоз билан.

Юзларининг шўбасига бўлдим маҳлиё,  
Дил торин чертар гўё кўздаги саз билан.

Қошлари қаро — дардимга дово экан,  
Сурма тортишин кўзларига пардоз билан.

Ишва қилар, кўрсатиб юз минг хунар,  
Хушнуд ўтар ҳар оғир шаҳноз билан.

Эркалади, мени ўзига боғлади,  
Тақдирдан энтикдим ишқда шоввоз билан.

Удир савлатим, давлатим, чексиз бахтим,  
Севги мени тарк этмасин қишу ёз билан.

Дилрабоинг умри гафлат деб билгин,  
Фахрлан, ишқ-муҳаббатда парвоз билан.

Ишқий тиллар Аллоҳдан эзгу тилақлар,  
Ҳар ким ўйнасин севгани-сарвиноз билан.

Неъмат ЁҚУБОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ  
ТОШКЕНТДАГИ ПРАКТИК

Муассис  
ТОШКЕНТ  
ВИЛОЯТИ  
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир  
Фатҳиддин  
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:  
Хатлар ва оммавий  
ишлар бўлими: 133-40-48.  
Эълонлар:  
133-70-10, 136-53-80.

Манзилимиз:  
700000, Тошкент  
шаҳри, Матбуотчилар  
кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат  
матбуот қўмитасида 8 рақамли  
билан рўйхатга олинган.  
Газета «Тошкент ҳақиқати»  
тахририяти компьютер  
марказида терилди ва  
саҳифалонди.

• Эълон ва билдирув-  
лардаги факт ҳамда да-  
лилларнинг тўғрилиги учун  
реклама ва эълон берув-  
чилар масъулдир.